

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.71/657**

АБИДОВА ШАХНОЗА АДХАМ ҚИЗИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДАРОМАДЛАР
ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ**

Мутахассислик: 5A230702-«Банк ҳисоби ва аудит»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

З.Умаров

ТОШКЕНТ-2016

**Диссертация Тошкент молия институти «Банк ҳисоби ва аудит»
кафедрасида бажарилган.**

Илмий раҳбар

и.ф.н. З.Умаров

Кафедра мудири

и.ф.н. З.Умаров

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доц. У.Ортиқов

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКИ ДАРОМАДИ ВА ХАРАЖАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА УНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ТАН ОЛИНИШИ.....	7
1.1. Банк даромади ва харажатиинг иқтисодий мазмуни ва таснифланиши ..	7
1.2. Тижорат банкларида молиявий натижаларни шакллантириш услубий муаммолари.....	19
I боб бўйича хулоса.....	26
II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	28
2.1. Тижорат банкларида даромадлар ҳисоби	28
2.2. Банк харажатлари ҳисоби.....	39
2.3. Банк фойдаси ва унинг ҳисоби	45
II боб бўйича хулоса	53
III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	54
3.1. Тижорат банклари даромад ва харажатлар ҳисобини такомиллаштириш	54
3.2. Банк фойдаси ҳисобини такомиллаштириш	66
III боб бўйича хулоса	73
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	75
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ	79

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Тижорат банклари фаолиятининг пировард мақсади олинаётган фойдани максималлаштиришдан иборат бўлиб, бунда банкнинг ликвидлилиги билан даромадлилиги ўртасидаги оқилона алоқадорликни таъминлаш муҳим, амалий аҳамият касб этадиган масала ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, банк активларининг даромад келтирувчи қисми қанчалик кўп бўлса, унинг ликвидлилиги шунчалик паст ҳисобланади ва аксинча, агар банкнинг ликвидли активлар салмоғи кўп бўлса даромади кам бўлади.

Шуниси характерлики, ҳозирги вақтда республикамизнинг бир қатор йирик тижорат банкларида ликвидлилик даражаси юқори бўлган активларнинг нисбатан йирик миқдорда тўпланиб қолиши юз бермоқда. Бу эса, уларнинг даромадлилигига салбий таъсир қилмоқда.

Тижорат банкларининг даромадини оқилона тарзда ошириб боришни таъминлаш уларнинг молиявий барқарорлигини оширишнинг зарурий шартларидан яна бири ҳисобланади. Шунингдек, банк фойдасини оқилона тарзда тақсимлаш, даромад ва харажатлар ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш банклар фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов “... банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.”¹ деб таъкидлаган эди.

Айни вақтда, мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларининг даромадларининг шаклланиш жараёнида сезиларли номувофиқликларнинг

¹ Каримов И.А. «2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси». Ўзбекистон овози газетаси. – Т.: 2013 йил 18 январ

мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, фоизли даромадларнинг банкларнинг ялпи даромадидаги салмоғининг нобарқарорлиги кузатилмоқда.

Эришилган молиявий натижани тўғри ҳисоб-китоб қилиш, уни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш, даромад ва харажатлар ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг объекти - тижорат банклари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети - тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар ҳисобини ташкил қилиш жараёнида содир бўладиган муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади банк даромадлари ва харажатларни шакллантириш, уни ҳисобга олиш, банк фаолияти натижалари ҳисобини ўрганиш ҳамда ҳисобни такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- банк даромади ва харажатининг мазмуни, уларнинг таснифланишини ўрганиш;
- тижорат банклари даромадларини шакллантириш ва харажатларни амалга оширишни таҳлил қилиш;
- фоизли ва фоизсиз даромадлар ҳисобини ўрганиш;
- фоизли, фоизсиз ва операцион харажатлар, уни ҳисобини ўрганиш;
- банк фойдасини ҳисобга олишни ўрганиш;
- банк фаолияти даромадлигини таъминлаш, даромад ва харажатлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- банк даромади ва харажатининг иқтисодий мазмуни ва таснифланиши тадқиқ қилинди;
- банк фойдасининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган муаммолар тадқиқ қилинди;

- тижорат банклари даромад ва харажатларни ҳисобга олиш тартиби тизимлаштирилди;

- банк фаолияти фойдалилигини таъминлаш ва фойда ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тижорат банклари даромад ва харажатлар ҳисобини тадқиқ қилиниши натижасида берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар банк даромади ва харажатлари ҳисобини янада такомиллаштиришга, келгусида банк фойдасини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Банк даромадлари ва харажатлари, шунингдек, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларни ҳисобга олиш бўйича изланишлар олиб борган хорижий олимлардан, шунингдек МДХ давлатлари иқтисодчи олимларидан Л.Батракова, Г.Белоглазова, Ю.Вешкин, О.Ефимова, Е.Козлова, Г.Коробова, О.Лаврушина, Д.Мак Нотон, И.Пещанская, Я.Соколов, Ф.Стивен, А.Шереметларнинг² ишларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Шунингдек, тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисоби масалалари мавзуси бўйича ўзбек иқтисодчи олимлари ва амалиётчиларидан Ф.Абдувахидов, Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев, А.Вахабов, К.Джураев, А.Ибрагимов, Ё.Маҳмудалиева, И.Муругова, К.Наврузова, С.Норкобилов, У.Ортиков, Н.Ризаев, З.А.Умаровларнинг³ ишларида ёритилган.

² Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учебник для вузов. – изд. 2-е перераб. и доп. – М.: Университетская книга, Логос, 2007. – 368 с.; Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, – М.: Высшее образование, 2009. – 422 с.; Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: – М.: Магистр, 2007. – 350 с.; Анализ финансовой отчетности: учебное пособие / Под ред. О.В. Ефимовой, М.В. Мельник. – М.: Омега-Л, 2004. – 408 с., Козлова Е.П., Галагина Е.Н. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика, 2000. – 640 с.; Банковское дело: Учебник / под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – 751 с.; Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.; Нотон Д.М., Карлсон Д.Д., Дитт Д.Д. и др. Организация работы в банках: в 2-х томах. Том 2. Интерпретирование финансовой отчетности. Пер. с англ. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 240 с.; Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка. Учебное пособие – М.: ИНФРА-М, 2001. – 320 с.; Соколов Я.В. «Основы теории бухгалтерского учёта» – М.: Финансы и статистика, 2000. – 496 с.; Фраст Стивен М. Настольная книга банковского аналитика. – Дн.: Баланс Бизнес Букс, 2006. – 672 с., Финансовый анализ в коммерческом банке / А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 256 с.

³ Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.; Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.:

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, тизимли ёндашув, таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида олинган натижалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чора–тадбирлар ишлаб чиқишда, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида “Банкларда бухгалтерия ҳисоби” фанларини ўқитишда тавсия сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

“IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 196 б.; Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188б.; Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма.Тошкент, Молия. – 2010, 272б.; Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001. – 22 б.; Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. - Т.: Молия – Иқтисод 2010г. Наврузова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т., MOLIYA – IQTISOD 2010 й.; Норқобилов С, Ортиков У, “Банк аудити”. Т.: 2004- 108 б.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКИ ДАРОМАДИ ВА ХАРАЖАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА УНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ТАН ОЛИНИШИ

1.1. Банк даромади ва харажатиининг иқтисодий мазмуни ва таснифланиши

Тижорат банкларининг фаолиятини молиялаштириш манбаи бўлиб, уларнинг жорий молиявий йил мобайнида оладиган даромадлари ҳисобланади уларнинг балансида йил давомида олинadиган даромадлар ўсиб боровчи якун тарзида ҳисобга олинади. Молиявий йилнинг сўнгги кунида барча даромадлар ва харажатлар ҳисобрақамлари ёпилади. Агар даромадлар харажатлардан ортиқ бўлса, юзага келган натижа жорий йилнинг соф фойдаси ҳисобланади, агар харажатлар даромадлардан ортиқ бўлса, ҳосил бўлган сумма жорий йилнинг зарари сифатида баҳоланади.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи зарурий шарти бўлиб, банк активларининг барқарор даромадлилик даражасига, биринчи навбатда, фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш ҳисобланади.

Шуниси характерлики, ҳар қандай хўжалик субъекти ўз ялпи даромадининг асосий қисмини асосий фаолият туридан олиши лозим. Фақат шундай ҳолатдагина хўжалик субъектининг молиявий аҳволи барқарор ҳисобланади, шу жиҳатдан олганда, тижорат банки даромадининг асосий қисми кредит операцияларидан ва қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялардан олиниши лозим. Чунки тижорат банклари барча мамлакатларда, аввало, кредитлаш институтлари ҳисобланади ва қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчиларидир.

Даромадлар деганда, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятларидан келган пул тушуми тушунилади.⁴ Тижорат банклари бошқа

⁴ Стародубцева. Е. Б. Банковские операции: Учебное пособие. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 128 с.

тижорат корхоналари сингари асосий ва қўшимча фаолиятдан, шунингдек, бошқалар категориясига кирувчи тасодифий даромадлар олиши мумкин. Банкнинг асосий фаолияти бўлиб, банк операцияларини амалга ошириш ва мижозларга банк хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. Даромад келтирувчи бошқа фаолиятлар эса, бошқа даромадлар ҳисобланади.

Даромад манбаларини барқарор ва нобарқарорга ажратиш мумкин.⁵ Мижозларга ҳар хил хизматлар кўрсатиш даромаднинг барқарор манбаси ҳисобланади. Нобарқарор эса, молиявий бозордаги операцияларидан, шунингдек, банкнинг қўшимча фаолиятдан келадиган даромадлар ҳисобланади.

Банкнинг оладиган даромади, унинг харажатларини қоплаши ва фойда яратиши керак.

Банк даромадининг бир қисми потенциал рискларни қоплаш учун ташкил этиладиган захирага йўналтирилади. Банк ўз харажатларини қоплаши учун даромад ҳажмининг етарлилигини таъминлаши эмас, балки тушумининг бир хилдалигини таъминлаши керак. Бошқача айтганда, даромад оқими банкнинг харажат қиладиган даврига мос ҳолда вақт жиҳатдан тақсимланган бўлиши керак. Бундай режалаштиришда даромад манбаларининг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ҳисобот даврида банкнинг барча даромадларининг мажмуаси ялпи даромад дейилади. Одатда, ялпи даромад таркибида қуйидаги даромад гуруҳларини ажратишади:⁶

- 1.Операцион даромадлар:

- 1.1. Фоизли даромадлар

- 1.2. Комиссион даромадлар

- 1.3. Молиявий бозордаги операциялардан даромадлар

- 1.4. Бошқа операцион даромадлар

2. Банкнинг қўшимча фаолиятдан даромадлар.

⁵ Балабанова И.Т. «Основы финансового менеджмента». Учебное пособие -3-е издание, доп. переработ. М.: Финансы и статистика, 2000 г.

⁶ Шеремет А.Д. «Финансовый анализ коммерческого банка» М.: Финансы и статистика 2000 152 стр.

3. Бошқа даромадлар.

Бу гуруҳлар таркибини бирма-бир кўриб чиқамиз. Тижорат банклари даромадлари структурасида катта улушга эга бўлган асосий фаолиятдан даромадлар, операцион даромадлар дейилади. Операцион даромадлар ўз навбатида фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлинади.


Банк даромадларини ҳисобга олиш амалиётини кўриб чиқишдан олдин даромадлар тушунчаларини таҳлил қилиб чиқиш лозим деб ўйлаймиз. Иқтисодий адабиётларда банк даромади тушунчаси турли хил талқин қилинади.

Диана Мак Нотон банк даромади – жалб қилинган ресурслар ҳисобидан берилган кредитлардан олинган фоизлар билан жалб қилинган ресурслар бўйича тўланган фоизлар ўртасидаги фарқдан иборатдир⁷ деб ёзади. Ушбу таърифда банк даромадини фақат кредитлар бўйича олинган фоизлар ва тўланган фоизлар ўртасидаги фарқни назарда тутган. Бу кўпроқ фойда тушунчасига мос келади. Шунингдек, у бошқа банк операцияларидан олинadиган даромадларни назардан четда қолдирган.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) да «Даромадлар – бу ҳисобот даврида активларнинг оқиб келиши ёки ўсиш йўли орқали, ёхуд мажбуриятларнинг қисқариши орқали акциядорлик капитали иштирокчиларнинг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг кўпайиши, шаклида иқтисодий нафнинг ўсишидир» деб таърифлайди. Ўз навбатида «Харажатлар – бу ҳисобот даврида активларнинг оқиб кетиши ёки камайиши йўли орқали, ёхуд мажбуриятларнинг кўпайиши орқали акциядорлик капитали иштирокчиларнинг уни тақсимлаши билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг камайиши шаклида иқтисодий нафнинг камайишидир»


Ушбу фикрларни қўллаб–қувватлаган ҳолда банк даромадининг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги расмларда кўриш мумкин. Унда корхона ва банкнинг фаолият турлари, улардан олинadиган даромад ва шу даромадни олиш учун қилинган харажатлар келтирилган.

⁷ Нотон Д.М. «Банковские учреждения в развивающихся странах» – Всемирный банк, Вашингтон, 1994.



1.1–расм. Корхона фаолиятидан олинадиган даромад ва харажатларнинг келиб чиқиш жараёни⁸

Энг аввало ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхонасида даромад ва харажатларни кўриб чиқиш мумкин. Ушбу корхона фаолиятида олинадиган даромад ва харажатларнинг келиб чиқиш жараёни 1.1–расмда келтирилди. Ушбу расмда кўриниб турибдики, харажатлар фаолият турига боғлиқ ҳолда ташкил қилинади, натижада фаолият турига қараб даромад олади.



1.2–расм. Тижорат банклари фаолиятидан асосий даромадлари ва харажатлари⁹

1.1– ва 1.2–расмлардан кўриниб турибдики, корхона ва банк фаолияти турли хил ва улар турли хил маблағлар эвазига фаолият кўрсатади. Корхона кўпроқ ўзининг маблағи ҳисобига фаолият кўрсатса, банк эса кўпроқ жалб қилинган маблағлар ҳисобига фаолият олиб боради. Бу ўз навбатида банкнинг даромадига ва харажати таъсир кўрсатади.

Банк даромадларларини бухгалтерия ҳисобида тан олишни тадқиқ қилишда уларнинг структурасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

⁸ Муаллиф томонидан тузилди.

⁹ Муаллиф томонидан тузилди.

Банк даромадларини кўпчилик иқтисодчи олимлар турли хил белгиларга қараб таснифлайди. Биз уларни асосан иккита катта гуруҳга ажратдик. Биринчи гуруҳга қирувчи олимлар даромадларни олиниш тартиби бўйича фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлади. Даромадларни бундай таснифлашни К.Наврўзова, Б.Т.Бердияров, К.Г.Парфенов, А.К.Полищук, Дж.Синки, Д.М.Нотон, Д.Дж.Карлсон, К.Т.Дитд ва бошқалар ишларида кўриш мумкин.

Иккинчи гуруҳ олимлари Г.Г.Коробова, Н.Ф.Каримов, Е.П.Козлова, Е.Н.Галагина ва бошқалар банк фаолиятини асосий ва ёрдамчи фаолиятга бўлиб, шунга мос равишда даромадларни таснифлайдилар. Яъни даромадлар операцион фаолият даромади, банк операциялари ҳисобланмаган операциялардан олинган даромад, бошқа даромадларга бўлинади.

Банк даромадларини бундай таснифлаш улар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, назорат қилиш ва бошқарув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Агар биз банк фаолиятини асосий ва қўшимча фаолиятга бўладиган бўлсак, унда асосий фаолиятдан олинган даромад даромаднинг асосий қисмини ташкил қилишини кўришимиз мумкин. Бу даромадни операцион даромад деймиз. Операцион даромад ўз навбатида фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлинади.

Фоизли даромадларга берилган кредитлар бўйича даромадлар, қўйилган депозитлар бўйича даромадлар, қарз мажбуриятлари бўйича даромадлар, шунингдек ҳисоб, лизинг, факторинг, форфейтинг операциялардан олинган даромадлар қиради.

Фоизсиз даромадларга комисион даромадлар, молиявий бозорлардаги операциялардан даромадлар, чет эл валютасидаги маблағларни қайта баҳолаш натижасидаги даромадлар қиради.

Банк даромадларини фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлиб ўрганишда банк тизимида уларнинг жами даромаддаги салмоғини ҳамда уларнинг ўзгариш динамикасини қуйидаги жадвал маълумотларида кўриш мумкин.

**Ўзбекистон банк тизимида тижорат банкларининг
даромадлари таркиби (фоизда)¹⁰**

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
1	Фоизли даромад	55,9	54,4	55,1	56,2	57,0	57,2	57,3
2	Фоизсиз даромад	44,1	45,6	44,9	43,8	43,0	42,8	42,7
3	Жами даромад	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Маълумотлардан кўриниб турибдики, банк тизимимизда фаолият олиб бораётган банкларнинг даромадларининг асосий қисмини фоизли даромад ташкил қилади. Фоизли даромадларнинг жами даромаддаги улуши 2008 йилда 55,9 фоизни, 2015 йилга келиб 57,3 фоизни ташкил қилган. Ушбу таҳлилдан фоизли даромаднинг улуши 2009 йилда камайиб, 2010 йилдан бошлаб кўпайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Фоизсиз даромад улуши эса, ўз навбатида, шунга мос равишда ўзгариб борган. Фоизли даромаднинг улуши камайиб бориши ижобий ва салбий ҳолат бўлиши мумкин. Унинг ижобийлиги шундаки, банкларга хос бўлган турли хил бошқа амалларни бажариши эвазига банклар қўшимча фоизсиз даромад оладилар. Лекин, республика банклари фаолиятида ушбу ҳолатда кўпроқ салбийлик мавжудлигини тасдиқлайди, банкларнинг фоизли даромад келтирувчи банк операцияларини амалга оширишининг камайиши ёки ушбу операцияларда муаммолар мавжуд эканлигидан далолат беради. Банкларнинг асосий операциялари фоиз даромади билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларни амалга оширишни кўпайтирса ва унинг даромад таркибидаги улушини 70–75 фоизга етказса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кредит характериға эга бўлмаган банк хизматларини кўрсатиш даромад олиш нуқтаи назардан аҳамияти бўйича иккинчи ўринда туради. Бу даромад манбаи ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу даромадлар одатда коммиссион даромадлар дейилади, чунки кўпчилик хизматлар учун ҳақ коммиссион мукофот сифатида олинади.

¹⁰ «Банк ахборотномаси» газетаси ва «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Комиссион мукофот миқдори одатда амалга оширилган операция ёки битим суммасига нисбатан фоиз кўринишида олинади. Шунингдек, комиссия даромадларга кўрсатилган хизматлар учун қатъий сумма кўринишида ёки банк томонидан қилинган харажатларни қоплаш кўринишида олинган даромад киради.

Комиссион даромад келтирувчи операцияларга қуйидагилар киради: юридик ва жисмоний шахсларга касса–ҳисоб–китоб хизматини кўрсатиш; пластик карточкалар билан операциялар; банк кафолатларни тақдим этиш; валюта контрактларига хизмат кўрсатиш; конверсион операциялар; қимматли қоғозлар бозоридаги брокерлик ва депозитар операциялар ва бошқалар.

Ҳозирги кунда комиссия даромадларнинг салмоғи ошиши кузатилмоқда, чунки ушбу операциялардан олинаётган даромадлар барқарор даромад манбаига эга. Шунингдек, ушбу операцияларнинг рисклилиқ даражаси жуда паст (фақат кафолат беришдан ташқари).

Молиявий бозордаги операциялардан даромадларга: қимматли қоғозлар, чет эл валютаси, қимматбаҳо металллар, молиявий деривативлар (фьючерслар, опционлар, форвард битимлари) ва бошқалар олди–сотдиси бўйича даромадлар киради. Бу операциялар моҳияти жиҳатидан савдо операциялари ҳисобланади ва «ресурсларни арзонроқ олиб – қимматроқ сотиш» тамойилига асосланади. Ушбу операциялар спекулятив характерга эга бўлганлиги сабабли ва рисклиқ даражаси юқори эканлиги айрим давлатларда юқоридаги операцияларни амалга ошириш тақиқланган, масалан, қимматли қоғозлар олди–сотдиси.

Қўшимча фаолиятдан олинган даромадлар банк даромадининг жуда оз миқдорини ташкил этади. Унга: банк хизматлари характерига эга бўлмаган хизматларидан даромадлар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш, машина, ускуналар, бинолар ва бошқа асосий воситаларни ижарага бериш ва уни сотиш, ўқув банк муассасалари даромадлари киради.

Банк фойдасининг камайиши ҳолатида банклар ўз фаолиятини диверсификация қилишга ҳаракат қилади ва шу билан янги даромад

манбаларини яратади. Банклар ишлаб чиқариш, савдо—воситачилик ва суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги сабабли, улар шу соҳаларда шўба корхоналар очиш ва уларни акциялар пакетини сотиб олиш орқали кириб келади. Бунда банклар корхоналар ва ташкилотлар капиталида иштирок этиш орқали кўпроқ даромад олиш имкониятига, улар фаолияти устидан бошқариш ҳуқуқини олиш йўли билан рискларни минималлаштиришга эришади.

Банклар асосий ва қўшимча фаолиятдан олган даромаддан ташқари бошқа даромадлар олишлари ҳам мумкин, бундай даромадларни бошқа даромадлар категориясига киритамиз. Бошқа даромадларга: мижозлардан ундирилган пеня, штраф, неустойки; касса ортиқчасини кирим қилиш; захира суммасининг тикланиши; ҳисобот йилида аниқланган ёки келиб тушган ўтган йиллардаги операциялардан даромадлар; бюджетга тўланган солиқларнинг ортиқча қисмининг келиб тушиши; ижарага олган ташкилотлар томонидан қайтарилган бинони қўриқлаш ва коммуникацион харажатлар; ходимлар томонидан қайтарилган телефон харажатлари ва бошқалар.

Бу даромадлар ўз характерига кўра тасодифий ҳисобланади ва банк томонидан «ишлаб топилмаган» дейилади.

Биз биринчи гуруҳ олимлар фикрига қўшилган ҳолда даромадларни фоизли ва фоизсизга бўлиб, уларга қўшимча равишда бошқа даромадларни ҳам киритиш лозимлигини таъкидлаб ўтишни керак деб топдик. Даромадларни олиш тартиби бўйича таснифлаганда улар таркибини аниқ белгилаб олиш лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон банк тизимида ҳам ушбу амалиётдан фойдаланилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари режаси»да ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича тақдим этиладиган тижорат банклари ҳисоботларини тўлдириш тавсиялари» тўғрисидаги № 584 йўриқнома бўйича 0204IS «Фойда ва зарарлар

тўғрисида»ги ҳисобот шаклини тўлдириш тўғрисидаги методик кўрсатмаларда банк даромадларини ва харажатларини шу тартибда ҳисобга олишда фойдаланилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозимки, тижорат банкларининг фаолияти ниҳоятда кенг қамровли ва хилма-хилдир. Ягона бир холдинг компаниялари кўринишида, тижорат банклари ва унинг жойлардаги филиаллари кўрсатадиган хизматларнинг хилма-хиллигига, мумкин қадар ўз миқдорларига хизмат кўрсатишининг қулай ҳамда арзон турли кўрсатмалар буйруқлар сонини бир қадар чекланган тартибда қўллаш имкониятлари ривожланмоқда.

Сўнгги вақтларда банк ишига киритилаётган муҳим янгиликлардан бири кредит карточкаларини қўллаш, ишбилармонлар фирмаларга замонавий халқаро андозалар асосидаги бухгалтерия хизматларини кўрсатиш, факторинг операциялари, ижарани молиялаштириш, евродоллар бозоридаги операцияларда иштирок этиш фавқулотда ҳолатларда пул ҳужжатларини инкассациялаш учун абонент яшиқлари тизимидан фойдаланиш ва бошқалар.

Дунё миқёсида тан олинаётган энг илғор ва замонавий банк технологияларини Ўзбекистон банк тизимига қўллаш, бу ўз-ўзидан банкларнинг даромадларининг кўламини кенгайтириб бормоқда.

Тижорат банклари даромадининг моҳияти ва бошқа молиявий институтларидан фарқланиб турувчи хусусияти - банк пул ресурсларини ташкил этиб ва уларни юқори даромадли банк портфелларини яратиш лаёқати билан хусусиятланади.

Тижорат банклари ресурсларини ташкил қилиш имкониятлари иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Улар мослашувчан кредит тизимини амалга оширмоқда, қайсики иқтисодиётни барқарор ривожланишига зарур шарт-шароитларни яратиб бermoқда.

Банк харажатлари ҳам даромадлари сингари гуруҳлаштирилади, чунки молиявий натижани ва ҳар бир банк фаолияти йўналиши бўйича даромадлилик даражасини баҳолаш имконияти бўлиши керак.

Банк харажатларини умумлаштирилган ҳолда 1.3–расмда кўриш мумкин.



1.3–расм. Тижорат банклари харажатларининг таркиби¹¹

Бевосита банк операцияларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар операцион харажатлар дейилади. Улар шунингдек, тўғри ёки ўзгарувчан харажатлар дейилади, уларнинг миқдори бевосита банк бажараётган операциялар ҳажмига боғлиқ бўлади.

Тадқиқот натижасида кўриб ўтганимиздек банклар фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли харажатлар структураси ҳам, ишлаб чиқариш корхоналариникидан фарқ қилади.

Банк операцион харажатлари таркибида жалб қилинган маблағлар учун тўланган ҳақ салмоқли ўринни эгаллайди. Бу ҳақ фоиз кўринишида бўлганлиги сабабли улар фоизли харажатлар деб юритилади. Фоизли харажатлар банкнинг кредит ва инвестицион фаолиятида асосий ролни ўйнайди.

Мижозларга кредит характериға эга бўлмаган банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар асосан Марказий банк, банк–

¹¹ Муаллиф томонидан тузилди

корреспондентлар, биржалар, процессинг марказлари, клиринг палаталари ва бошқаларнинг хизматлари билан боғлиқ бўлади. Одатда ушбу операциялар учун ҳақ амалга оширилган операция суммасига нисбатан комиссия шаклида олинади, шу сабабли ушбу харажатлар комисион харажатлар дейилади. Комисион харажатлар салмоғи умумий харажатлар таркибида кам бўлсада, улар ҳисоб–китоб, конверсион, кафолат, брокерлик, депозитар ва бошқа кредит характериға эға бўлмаган операциялар баҳосига ва даромадлигига таъсир кўрсатади.

Одатда молиявий бозордаги операциялар бўйича харажатлар алоҳида гуруҳға ажратилади. Харажатларға ушбу қийматликларни харид қилиш билан боғлиқ сарфлар киради, шунингдек, қимматли қоғозларни, валютани қайта баҳолаш натижасида юзаға келадиган харажатлар киради.

Банк амалиётини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики юқоридагилар билан бирға бошқа банк операцияларига тегишли бўлган харажатлар ҳам мавжуд. Улар бошқа харажатлар деб аталади.

Банк фаолиятини таъминловчи харажатларға банк функционал фаолиятини таъминловчи ва аниқ бирор–бир операцияға тегишли бўлмаган харажатлар киради. Буни иқтисодий назарияда эгри харажатлар ёки ўзгармас харажатлар деб аташади. Ушбу харажатлар кичик банкларда операцион харажатлар билан деярли тенг бўлади, лекин катта банкларда улар операцион харажатларға нисбатан анча кам бўлади. Сабаби улар жуда кўп жалб қилинган маблағлар билан ишлайди.

Ҳар бир банк ўзининг бюджетлаштириш тизимидан келиб чиққан ҳолда ушбу харажатларни таснифлайди. Масалан: иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар; бинолар ва иншоотларға харажатлар; иш жойини жиҳозлаш харажатлари; реклама ва сотишни жадаллаштириш харажатлари; банк фаолиятини маълумотлар билан таъминлаш харажатлари; алоқа ва телекоммуникация харажатлари; транспорт харажатлари; банк функционал фаолиятини таъминловчи бошқа харажатлар.

Банк функционал фаолиятини таъминловчи харажатларни, шунингдек, бошқа мезонлар бўйича ҳам бўлиш мумкин. Масалан: капитал характериға эға бўлган харажатлар; ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари; харажатларға ва фойдаға ўтказиладиган сарфлар; меъёрлаштириладиган ва меъёрлаштирилмайдиган харажатлар.

Даромадлар сингари бошқа харажатлар категориясига кўзда тутилмаган вазиятларда юзаға келадиган тасодифий харажатлар киради. Бошқача қилиб уларни банк фаолияти рискани қоплаш харажатлари деб айтиш мумкин. Ушбу харажатлар банк смета харажатларига киритилмайди ёки ўтган даврдаги сингари ҳисоб–китоб қилади. Бошқа харажатлар харажатларнинг нохуш элементларидан ҳисобланади ва қўпчилик ҳолатларда банк ходимларининг қонунчилик ва шартномаларни бузиш ҳолатларида, банк кредит сиёсатида адашишлар натижасида, банк бошқарувида камчиликлар бўлганда юзаға келади.

Бошқа харажатлар категориясига куйидаги харажатларни киритиш мумкин: тўланган штраф, пеня ва неустойкалар; ҳисобот даврида аниқланган ўтган давр харажатлари; банк мулкани ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар; камомад, нақд пулларни, материал қийматликларни ўғирлаш, нақд пул ва тангаларнинг қалбакилари чиқиш натижасидаги харажатлар; дебитор қарздорликни ҳисобдан чиқариш натижасидаги харажатлар; тўлиқ амортизацияланмаган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш харажатлари; захира ва захира фондлари етишмовчилиги бўлган ҳолатларда кредит қарздорликни ҳисобдан чиқариш харажатлари; мижозлар эътирозлари бўйича тўланган суммалар бўйича харажатлар; банк фаолияти билан боғлиқ суд ва арбитраж ишлар бўйича харажатлар ва бошқалар.

Биз биринчи гуруҳ олимлар фикриға кўшилган ҳолда даромадларни фоизли ва фоизсизға бўлиб, уларға кўшимча равишда бошқа даромадларни ҳам киритиш лозим, шунингдек, харажатларни фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларға бўлиш лозимлигини таъкидлаб ўтишни керак деб топдик.

Даромад ва харажатларни олиш тартиби бўйича таснифлаганда улар таркибини аниқ белгилаб олиш лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон банк тизимида ҳам ушбу амалиётдан фойдаланилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари режаси»да ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича тақдим этиладиган тижорат банклари ҳисоботларини тўлдириш тавсиялари» тўғрисидаги № 584 йўриқнома бўйича 0204IS «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот шаклини тўлдириш тўғрисидаги методик кўрсатмаларда банк даромадларини ва харажатларини шу тартибда ҳисобга олишда фойдаланилмоқда.

1.2. Тижорат банкларида молиявий натижаларни шакллантириш услубий муаммолари

Тижорат банкларининг молиявий натижаси бошқа барча хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаси сингари аниқланади. Юқоридаги молиявий натижага берган таърифимиздан келиб чиққан ҳолда молиявий натижани биз даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишида талқин этаёلمиз.

Фаолиятнинг якуний натижаси фойда ёки зарарни ҳисоб–китоб қилишнинг анъанавий шакли қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Фойда (зарар)} = \text{даромад} - \text{харажат} \quad (1.1.)$$

Якуний молиявий натижани ушбу формула бўйича ҳисоб–китоб қилиш бошқарувчи, таъсисчи, молиявий бошқарув, таҳлил билан шуғулланувчи шахслар ва бошқа манфаатдор шахслар учун керакли бўлган маълумотни бермайди. Шунинг учун молиявий натижани ҳисоб–китоб қилиш учун манфаатдор шахслар ўз тартиб–қоидаларни белгилайди. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижани асосан солиқ қонунчилигидан ва бухгалтерия ҳисоби стандартларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб–китоб қилади.

Шунингдек, молиявий натижа молиявий бошқарув ва иқтисодий таҳлил мақсадларидан келиб чиқиб ҳисоб–китоб қилинади.

Фикримизча, банкнинг якуний молиявий натижасини аниқлашнинг умумий математик моделини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{Фойда (зарар)} = \left(\sum_1^n D_{\phi} + \sum_1^n D_{\phi c} \right) - \left(\sum_1^n X_{\phi} + \sum_1^n X_{\phi c} + \sum_1^n X_o \right) \quad (1.2)^{12}$$

Яъни 1.2 формулада D_{ϕ} ва $D_{\phi c}$ банк фойзли ва фойзсиз даромади, X_{ϕ} , $X_{\phi c}$ банк фойзли ва фойзсиз харажатлари, X_o эса операцион харажатлар, $1...n$ лар даромад ва харажатларнинг турлари ёки сегментлари. Ўз навбатида:

$$\sum_1^n D = D_1 + D_2 + \dots + D_{n-1} + D_n \quad (1.2.1)$$

бунда; $D_1... D_n$ банк даромадларининг турлари

$$\sum_1^n X = X_1 + X_2 + \dots + X_{n-1} + X_n \quad (1.2.2)$$

бунда; $X_1... X_n$ банк харажатларининг турлари

Масалан, банк даромадлари шартли бирликда $D_1=4250$, $D_2=3420$, $D_3=7920$, $D_4=1635$, $D_5=2910$, $D_6=1100$ бўлса, банк харажатлари эса $X_1=2600$, $X_2=4850$, $X_3=1340$, $X_4=6006$, $X_5=4015$ бўлса. Жами банк даромади

$\sum_1^n D = 4250 + 3420 + 7920 + 1635 + 2910 + 1100 = 21235$ бўлади, харажатлар эса

$\sum_1^n X = 2600 + 4850 + 1340 + 6006 + 4015 = 18811$ га тенг бўлади. Фойда (зарар) $\sum_1^n D$

$-\sum_1^n X = 21235 - 18811 = 2424$ га тенг бўлади.

Юқоридаги формуладан кўриниб турибдики, якуний молиявий натижа жами банк даромади ва харажати ўзида намоён қилади ҳамда ушбу ҳисоб–китобда барча даромад ва харажатларни ташкил этувчи сегментлари қатнашади.

Ушбу фикр–мулоҳазаларга асосланиб молиявий натижани ҳисоб–китоб қилишнинг турли усуллари бор эканлиги ва улар ўртасида маълум бир

¹² Муаллиф томонидан тузилди.

фарқлар мавжудлигини биз қуйидаги молиявий натижаларни ҳисоб–китоб қилиш тартибларида ҳам қўришимиз мумкин.

Г.Г. Коробова фикрича даромадлар ва харажатлар гуруҳлаштиришдан келиб чиққан ҳолда банк жами фойдасини қуйидагича аниқлаш мумкин:¹³

1. Операцион фойда, у операцион даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

1.1. Фоиз фойдаси – банк томонидан олинган фоизли даромаднинг харажатлардан ортган қисми;

1.2. Комиссион фойда – комиссион даромаднинг комиссион харажатлардан ортган қисми;

1.3. Молиявий бозордаги операциялардан фойда – ушбу операциялардан олган даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ;

1.4. Бошқа операцион фойда – бошқа операцион даромадлар минус операцион харажатлар.

2. Қўшимча фаолиятдан олинган фойда – қўшимча фаолиятдан олинган даромад минус уларни амалга ошириш учун қилинган харажатлар.

3. Бошқа фойда – бошқа даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Бундан қўриниб турибдики Г.Г. Коробова банк фаолиятини асосий ва қўшимча фаолиятга бўлиб, банк ушбу фаолиятдан олган даромадларини ва шу даромадларни олиш учун қилинган харажатларни ўзаро солиштириш орқали банк фойдасини аниқлаган. Шунингдек, банк фаолиятида банк фаолияти учун хос бўлмаган операциялардан даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқни аниқлаб, уни бошқа фойда кўрсаткичи сифатида эътироф этган. Ушбу модел кўпроқ банкни бошқарувчи шахсларга мос келади, лекин солиққа тортиш нуқтаи назардан солиқчиларнинг талабига мос келмайди. Юқоридаги фойда (зарар) кўрсаткичларини қўшиб чиқсак, банкнинг баланс фойдасини аниқлаш мумкин.

¹³ Банковское дело: Учебник/ под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – с. 190.

Баланс фойдаси фақатгина ҳисобот даврида банк фаолияти оралик молиявий натижасини ифодалайди, тижорат банки соф фойдаси эса якуний молиявий натижани. У барча харажатларни қоплаган, кўзда тутилмаган харажатларни ҳисобга олган ҳолда, захираларни шакллантириб, фойдадан солиқ тўлангандан кейин қолган даромаднинг қолган қисмида ифодаланади.

Дж. Синки АҚШ банкларининг одатий фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот формаси куйидаги кўринишда қарайди.¹⁴

1. Фоизли даромад (ФД);
2. Фоизли харажат (ФХ);
3. Соф фоизли даромад (ФД – ФХ);
4. Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираси (ЗҚЗ);
5. Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираси шакллантирилгандан кейинги соф фоизли даромад (ФД – ФХ – ЗҚЗ);
6. Фоизсиз даромад (ФсД);
7. Фоизсиз харажат (ФсХ);
8. Фоиз билан боғлиқ бўлмаган соф даромад (ФсД – ФсХ);
9. Қимматли қоғозлар бўйича даромад ёки зарарларни ҳисобга олмаган ҳолда ва солиқларни тўлагунга қадар даромад
(ФД – ФХ) – ЗҚЗ + (ФсД – ФсХ);
10. Даромад солиғи (ДС);
11. Банк операцион фаолияти бўйича соф даромад
(ФД – ФХ) – ЗҚЗ + (ФсД – ФсХ) – (ДС);
12. Қимматли қоғозлардан даромад ёки зарар (ҚҚД);
13. Соф даромад (СД)
$$СД = (ФД – ФХ) – ЗҚЗ + (ФсД – ФсХ) – (ДС) +/- (ҚҚД);$$
14. Дивидендлар (Д);
15. Суммар тақсимланмаган фойда (ТФ)
$$ТФ = СД – Д.$$

¹⁴ Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4-го издания / под ред. Р.Я. Левиты, Б.С. Пинскера. М.: 1994, Catallaxy. –с. 47.

Ушбу ҳисобот шаклидан молиявий натижанинг қуйидаги кўрсаткичларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

- Соф фоизли даромад;
- Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираси шакллантирилгандан кейинги соф фоизли даромад;
- Фоиз билан боғлиқ бўлмаган соф даромад;
- Қимматли қоғозлар бўйича даромад ёки зарарларни ҳисобга олмаган ҳолда ва солиқларни тўлагунга қадар даромад;
- Банк операцион фаолияти бўйича соф даромад;
- Қимматли қоғозлардан даромад ёки зарар;
- Соф даромад;
- Суммар тақсимланмаган фойда.

Бундан кўриниб турибдики Дж. Синки банкнинг молиявий натижасини аниқлашнинг бу моделида солиқларни тўлаш нуқтаи назаридан ва банкнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларини алоҳида ҳисобга олган ҳолда ёндашган. Шунингдек, банкнинг фоизли ва фоизсиз даромадлари алоҳида кўрсатилган. Модел фонд бозори ривожланган ва банк операцияларининг асосий қисми бевосита шу операциялар билан боғлиқ бўлган давлатларда фойдаланиши мумкин.

Тижорат банкларида молиявий натижаларни шакллантиришни кўриб чиқаётганда хорижий давлатлар банк тизимида молиявий натижалар кўрсаткичларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Соф фоизли даромадга соф фоизсиз даромадларни қўшиш орқали солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлаш орқали молиявий натижаларни шакллантириш кетма–кетлиги АҚШ банклари учун жуда кенг тарқалган ҳисобланади.

Бунда фоизсиз харажатларни соф фоизли ва операцион даромадлар суммасидан айирса янада асосланган бўлар эди, чунки фоизсиз харажатлар банкнинг умумий харажатлари ҳисобланади. Бундай моделда молиявий натижаларни шакллантириш жараёнини икки мустақил босқичга бўлиш

мақсадга мувофиқ бўлади: соф операцион даромадни шакллантириш босқичи ҳамда операцион бўлмаган даромад ва харажатларни шакллантириш босқичи.

Россия тижорат банкларида «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисоботга асосан молиявий натижаларни шакллантириш модели қуйидаги кўринишга эга:¹⁵

1. Фоизли даромад;
2. Фоизли харажат;
3. Соф фоизли даромад (1кат–2кат);
4. Бошқа операцион даромадлар (зарарлар);
5. Ялпи операцион даромад (зарарлар) (3кат+4кат);
6. Операцион харажатлар;
7. Соф операцион даромад (зарар) (5кат–6кат);
8. Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини шакллантириш харажатлари;
9. Кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича фойда (зарар);
10. Солиқ тўлангунга қадар соф даромад (зарар) (7кат –8кат+/-9кат);
11. Даромад солиғи;
12. Соф фойда (зарар) (10кат–11кат);
13. Фойданинг тақсимланиши.

Банк даромадлари ва харажатларини бундай гуруҳлаштириш уларнинг асосий банк операцияларини ўтказишда қай даражада боғлиқлигини, шунингдек, оралиқ босқичларда олинаётган фойдани аниқлаш имконини беради.

Кўриб чиқилган моделлар якуний натижа яъни, банк соф фойдасини ўзгартирмайди. Соф фойдани шакллантириш моделлари фақат ҳисоб–китобларни амалга ошириш тартиби билан фарқланади.

Н.Ф.Каримов молиявий натижаларни ҳисоб–китоб қилиш тартибини қуйидаги кўрсаткичлар тизими¹⁶ асосида олиб боришни таклиф қилган:

¹⁵ Жарковская Е.П. Банковское дело.–4-е изд., испр. и доп. – М.: Омега–Л, 2005.– с. 377.

1. Ялпи фойда;
2. Асосий фаолият бўйича фойда;
3. Давр харажатлари;
4. Умумхўжалик фаолияти натижаси;
5. Бошқа фаолият бўйича олинган фоизлар;
6. Молиявий фаолият натижаси (фойда, зарар);
7. Бошқа фаолият бўйича харажатлар;
8. Кўзда тутилмаган фавкулотдаги фойда (зарар);
9. Солиқ тўлангунга қадар бўлган натижа (фойда, зарар);
– солиқ;
10. соф фойда (зарар);
– тўланган дивидентлар;
11. Таксимланмаган фойда.

Ушбу кўрсаткичлар тизимида молиявий натижалар банк фаолияти турларига боғланган, унда ялпи фойда, асосий фаолият бўйича фойда, умумхўжалик фаолияти натижаси, молиявий фаолият натижаси, кўзда тутилмаган фавкулотдаги фойда, солиқ тўлангунга қадар бўлган натижа, соф фойда (зарар), таксимланмаган фойда каби кўрсаткичлар аниқланади. Лекин, банк фаолиятини таҳлил қилиш учун ушбу маълумотлар мос келмайди, чунки олинган даромадлар ва қилинган харажатларни солиштирганда улар ўртасида номутаносиблик мавжуд. Масалан, ялпи фойда кўрсаткичини аниқлаш учун берилган кредитдан олинган фоизлардан депозитлар бўйича тўланган фоизларни чегириб ташлаган. Банк депозитларга жалб қилган маблағларни фақат кредит операцияларни амалга ошириш учун ишлатмайди, ундан бошқа банк операцияларини амалга ошириш учун ҳам фойдаланади. Масалан, инвестиция, лизинг ва бошқа операциялар учун.

Хозирги кунда Ўзбекистонда тижорат банкларида молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантириш алгоритми Марказий банк томонидан белгиланган молиявий ҳисобот шакллари ва бухгалтерия ҳисоби

¹⁶ Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдани шакллантириш муаммолари. и.ф.н. дисс. –Т.: 1998. –б. 24.

стандартларига асосланади. Жумладан, Марказий банк томонидан 2004 йил 6 ноябрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича тақдим этиладиган тижорат банклари ҳисоботларини тўлдириш тавсиялари» тўғрисидаги № 584 йўриқнома бўйича 0204IS «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот» шаклини тўлдириш тўғрисидаги методик кўрсатмалар асос бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, молиявий натижалар бир–бири билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизимидир ва улар тижорат банкларида даромад ва харажатларни бир–бирига солиштириш орқали аниқланади. Молиявий натижани банк фаолиятини амалга ошириш натижасида юзага келадиган даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишидаги иқтисодий кўрсаткичлар сифатида талқин қилиш, уни ҳисобга олишда ва таҳлил қилишда маълум бир кетма–кетликка асосланиши кераклигини кўрсатади. Ушбу кетма–кетлик молиявий натижаларни аниқлашда қайси мақсадлардан ва ким томонидан белгиланган тартиб–қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб–китоб қилинаётганига боғлиқ бўлади.

I боб бўйича хулоса

Банк даромадлари банк фаолиятининг ўзига хослигидан ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бир қанча турлари мавжуд. Биз уларни фоизли ва фоизли даромадларга бўлган ҳолда тадқиқ қилдик.

Фоизли даромадлар тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб, ўз ичига кредитлардан олинган фоизларни, қатъий белгиланган ставкалардаги фоизларни ва қимматли қоғозларнинг бозор баҳосини ошишидан олинадиган даромадлар киради.

Фоизли даромадларнинг даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири соф фоизли даромад кўрсаткичи ҳисобланади. Жаҳон тиклаш ва тараққиёт банки экспертларининг фикрига кўра, соф фоизли даромадларнинг тижорат банкларининг ялпи даромадидаги ҳажми камида 70 фоизни ташкил қилиши зарур.

Банкнинг оладиган даромади, унинг харажатларини қоплаши ва фойда яратиши керак. Банк даромадининг бир қисми потенциал рискларни қоплаш учун ташкил этиладиган захирага йўналтирилади. Банк ўз харажатларини қоплаши учун даромад ҳажмининг етарлилигини таъминлаши эмас, балки тушумининг бир хилдалигини таъминлаши керак. Бошқача айтганда, даромад оқими банкнинг харажат қиладиган даврига мос ҳолда вақт жиҳатдан тақсимланган бўлиши керак. Бундай режалаштиришда даромад манбаларининг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Банк тизимимизда фаолият олиб бораётган банкларнинг даромадларининг асосий қисмини фоизли даромад ташкил қилади. Фоизли даромадларнинг жами даромаддаги улуши 2008 йилда 55,9 фоизни, 2015 йилга келиб 57,3 фоизни ташкил қилган. Ушбу таҳлилдан фоизли даромаднинг улуши 2009 йилда камайиб, 2010 йилдан бошлаб кўпайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Фоизсиз даромад улуши эса, ўз навбатида, шунга мос равишда ўзгариб борган. Банкларнинг асосий операциялари фоиз даромади билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларни амалга оширишни кўпайтирса ва унинг даромад таркибидаги улушини 70–75 фоизга етказса, мақсадга мувофиқ бўлади.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Тижорат банкларида даромадлар ҳисоби

Банкларнинг даромадларини ҳисобини тадқиқ қилишдан олдин банк даромадларининг таркиби ва унинг шаклланишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тижорат банкларининг янги қабул қилинган бухгалтерия ҳисобварақлар режасини қараб чиқадиган бўлсак бу ерда даромадлар қуйидагича таснифланади.



2.1-расм. Тижорат банкларида даромадларнинг таркибланиши.¹⁷

Банк даромадларини шакллантириш тартиби ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank» мисолида кўриб чиқсак.

2.1-жадвал

ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»нинг даромадлари таркиби¹⁸

№	Банк даромадлари	2014 йил		2015 йил		Ўзгариши (+/-)	
		млн. сўм	улуши, % да	млн. сўм	улуши, % да	млн. сўм	улуши, % да
1	Фоизли даромадлар	190310	65,6	280225	65,1	89915	47,2
2	Фоизсиз даромадлар	99758	34,4	150320	34,9	50562	50,7
3	Жами даромадлар	290068	100	430545	100	140477	48,4

¹⁷ Муаллиф томонидан тузилди

¹⁸ ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank» молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank» даромадлари 2015 йилда 430,5 млрд. сўмни ташкил қилган ва 2014 йилга нисбатан 140,5 млрд. сўмга кўпдир. Фоизли даромадлари 2015 йилда 280,2 млрд. сўмни яъни жами даромаднинг 65,1 %ини ташкил қилган. Фоизсиз даромадлари 150,3 млрд. сўмни яъни жами даромаднинг 34,9 % ини ташкил қилган. Фоизли даромаднинг жами даромаддаги улуши ўсиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу ҳолат банк учун ижобий деб айтиш мумкин, чунки банкнинг фоизли даромади асосий фаолияти билан боғлиқ бўлиб унинг улуши 70-75 фоизни ташкил қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Энди банк даромади ҳисобида уни ташкил қилувчи фоизли даромадлар таркиби ўрганилади.

2.2-жадвал

ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»нинг фоизли даромадлари таркиби таҳлили¹⁹

Фоизли даромад турлари	2014		2015		Ўзгариши (+/-)	
	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да
ЎЗР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромад	3715	2,0	3039	1,1	-676	-18,2
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар бўйича фоизли даромад	0	0,0	0	0,0	0	0,0
Олиш ва сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад – носавдо қоғозлар	0	0,0	0	0,0	0	0,0
Кредитлар бўйича фоизли даромад	186595	98,0	277186	98,9	90591	48,5
Жами фоизли даромадлар	190310	100,0	280225	100,0	89915	47,2

ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»нинг фоизли даромадлари 2015 йилда 280,2 млрд. сўмни ташкил қилган. Унинг асосий қисмини, яъни 277,2 млрд. сўмни кредитлар бўйича фоиз даромади ташкил этади. Бу банк фоизли даромадининг 98,9 % ини ташкил қилади. Қолган фоизли даромадлар: ЎЗР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоиз даромади 1,1 % ни ташкил қилади. ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank» асосий фаолияти мижозларни кредитлашга йўналтирилганлигини кўриш мумкин. Лекин банкнинг

¹⁹ ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank» молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

молиявий бозордаги фаолияти анча сустлигини кўриниб турибди. Банк ушбу йўналишдаги фаолиятини ривожлантирса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг асосий сабаби шундаки, банкда фоизли даромад келтирадиган бошқа операциялар ривожланмаган. Масалан, ривожланган давлатларнинг банк амалиётида тижорат банкларининг фоизли даромадларининг таркибида кредитлардан кейинги ўринни қимматли қоғозлардан олинган фоизлар эгаллайди. уларнинг фоизли даромадларнинг ҳажмидаги салмоғи 20-25 фоизни эгаллайди. АҚШ ва Япониянинг йирик тижорат банкларида кредитлардан олинган фоизларнинг жами фоизли даромадларнинг ҳажмидаги салмоғи 60 фоиздан ошади.

Банклар томонидан қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар Франция тижорат банкларида 16,2 фоизни, Германияда-15,5 %, Италияда-23,8 %, Буюк Британияда-7,8 %, Испанияда-23,8 %, АҚШда-2,2 %, Бельгияда-6,4 %, Японияда-10,2 фоизни ташкил қилади²⁰. Демак, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг юқори салмоғи Испания ва Италияда кузатилади. Нисбатан жуда паст салмоқ Бельгия, Буюк Британия тижорат банкларига хосдир.

Хукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган қўйилмаларнинг банк активлари умумий ҳажмидаги салмоғи Испания тижорат банкларида 10,2 фоизни, Франция тижорат банкларида 9,4 фоизни, Италия тижорат банкларида 5,3 фоизни, АҚШ тижорат банкларида эса, 18 фоизни ташкил этади. Векселлар билан боғлиқ операцияларнинг юқори салмоғи Испания (12,8%), Италия (5,8%) Бельгия (4,7%), тижорат банкларида кузатилади. Ҳиссали иштирок шаклидаги инвестицияларнинг банк активлари ҳажмидаги юқори салмоғи Германия тижорат банкларида кузатилади (4,0%)²¹.

Тижорат банкларида даромадларни ҳисоби ўрганишда даромад ҳисобварақларининг “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га мувофиқ ҳисобга олиниши

²⁰ Под ред. Проф.О.И.Лаврушина. Банковское дело. –М.: ФиС, 2002 г. –с.94

²¹ M.Zantov. Kredit Policy. RBTC. Tashkent. 1998. –р.18.

ўрганилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк операцияларини ҳисобга олиш бўйича чиқарилган меъёрий ҳужжатлар мослиги ўрганилади.

Тижорат банклари юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз ишчи ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқади ва шу асосида ўзларида амалга оширилаётган операциялар бўйича олинаётган ҳар бир даромад ва қилинаётган харажат моддасига шахсий ҳисобварақлар очади, зарур бўлганда қўшимча журнал ҳисоби ва реестрлар юритилиши мумкин.

Ҳисобварақлар режасидаги “Даромадлар” бўлимидаги ҳисобварақлар банк ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Шунинг учун тижорат банклари Марказий банк талаблари ва ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳисобварақларда аналитик ҳисобни қандай юритишни ўзлари белгилайдилар.

Банк даромадларининг аналитик ҳисоби банк фаолиятини бошқариш ва солиққа тортиш тартибини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши лозим.

Тижорат банкларида даромадлари ҳисобга олиш жараёни уларни тан олишдан бошланишини биз юқоридаги саволда кўрдик. Даромадлар тан олингандан кейин улар ундирилади ёки ундирилмай қолади. Ундирилмай қолган даромад банкка икки марта зарар олиб келади, сабаби қилинган харажат қопланмай қолинади ва олинмаган маблағга нисбатан солиқ тўланади. Шу сабабли ҳам банк даромадлари, харажатлари ва фойдаси ҳисобини тўғри ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Банк даромадлари ҳисобини ҳар бир банк операцияси бўйича алоҳида кўриб чиқсак.

Авваламбор юқори даромад келтирувчи кредит ва инвестиция операцияларида даромадларни ҳисобга олиш тартибини текшириш мақсадга мувофиқ, сабаби юқорида кўрганимиздек, унинг улуши жами фойзли даромадлар таркибида юқори салмоқга эга.

Кредитлар бўйича даромадлар асосан фоиз кўринишида ва комиссия ҳақ кўринишида бўлади. Кредит бўйича олинadиган даромадлар мижоз билан тузилган кредит шартномасига асосан белгиланган муддатларда олинади.

Кредит бўйича фоизлар одатда ҳар куни йиллик базавий давр - 365 кундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилади. Шунингдек кредитларнинг муайян турлари бўйича 360 кун базавий давр қилиб белгиланган. Кредит бўйича фоизлар қуйидаги формулага биноан ҳисобланади:

$$\text{Фоиз суммаси} = \frac{\text{Кредит қолдиғи} \times \text{фоиз ставкаси} \times \text{амалдаги кунлар сони}}{365 \times 100\%}$$

Шу ўринда қайд ўтиб ўтиш керакки базавий давр барча кредитлар учун 365 кун қилиб белгиланса мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби фоизлар ҳар куни ҳисобланади, шу сабабли жалб қилинган маблағларга тўланаётган фоизлар ва ушбу маблағларни жойлаштириш бўйича олинadиган фоизлар суммаси ўртасида номутаносиблик юзага келиши мумкин.

Кредитлар бўйича фоизларни ҳисоб-китоб қилишда асосий эътиборни мижоз билан тузилган кредит шартномасига қаратиш лозим. Унга кўра кредитнинг ҳақиқатда фойданилган кунлардаги қолдиқ сумма бўйича фоизлар ҳисобланиши ва ундирилиши керак.

Кредит бўйича ҳисобланган фоизлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилган бўлиши лозим:

Дт 16309 “Ссудалар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар”;

Кт 41400-44700 “Ссудалар бўйича фоизли даромадлар”.

Кредит бўйича фоиз суммаси келиб тушганда тўлов турига қараб қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

Дт 10101 “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи;

Кт 16309 “Ссудалар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар”.

Ҳозирги кунда банк амалиётида кредит фоизи билан бирга кредит бериш бўйича комиссия ҳақлар ҳам фоизли даромадлар таркибига киритилмоқда. Яъни банк кредит бериш мажбуриятини олганда мижоз унга

комиссион ҳақ тўлайди. Бу тўлов кредитнинг амал қилиш муддатида давомида тақсимланади.

Кредит бериш юзасидан олинаётган комиссион ҳақ банкнинг куйидаги кўринишдаги харажатларини қоплайди: мижознинг кредитга лаёқатлилиги ва инвестицион лойихаларнинг қопланишининг баҳоланиши, гаров ва бошқа таъминотларни ташкил этиш харажатлари, ҳужжатларни тайёрлаш ва қайта ишлаш харажатлари ва бошқа кредит бериш билан боғлиқ бўлган харажатлар. Бундай комиссион тўловлар кредит муносабатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади, шунинг учун ҳам улар муддати узайтирилган даромадлар сифатида қаралади ва ҳақиқий даромаднинг коррективировкаси сифатида тан олинади. Бунда куйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

Дебет Мижознинг депозит ҳисобварағи

Кредит 22896- Бошқа муддати узайтирилган даромадлар

Хар ойда берилган кредит фоизи билан бирга комиссион ҳақ ҳам даромад ҳисобварағига ўтказилади, яъни:

Дебет 22896- Бошқа муддати узайтирилган даромадлар

Кредит 41400-44600 - Кредитлар бўйича фоизли даромадлар

Кредит бериш муддати яқинлашиб, кредит сўралмаса олинган комиссион ҳақ муддати етиб келинган сўнг тан олинади ва куйидаги ўтказма бўйича расмийлаштирилади:

Дебет 22896- Бошқа муддати узайтирилган даромадлар

Кредит 45237- Кредит мажбуриятлари бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар

Агар кредит бўйича шартномада кўрсатилган фоиздан юқорироқ миқдорда ҳақ тўланадиган бўлса, у ҳолда бу комиссион ҳақ кредит муддати давомида тўланиши керак ва ҳақиқий даромад катировкаси сифатида тан олиши ва муддати узайтирилиши керак.

Тижорат банкларининг фоизли даромадлари ичида кредит операцияларидан кейинги ўринда турадиган операциялардан бири бу қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлардир. Қимматли қоғозлардан

олинадиган даромадларни биз фоиз, дисконт, курс ўртасидаги фарқ ва бошқа кўринишдаги даромадларга бўлиш мумкин.

Банк сотиб олган қимматли қоғозларни ният ва мақсадларига қараб олди-сотди қимматли қоғозларга, сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар, сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар ва инвестиция қимматли қоғозларига бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида улардан олинган даромадларни ҳисобга олиш учун бир қанча ҳисобварақлар очилади.

10791 - Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)

10793 - Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича мукофот

10891 - Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича дисконт (контр-актив)

10893 - Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича мукофот

11395 - Сотиб олинган векселлар бўйича дисконтлар (контр-актив)

15991 - Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)

15993 - Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича мукофот

16305 - Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар

16307 - Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар

16311 - Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар

16315 - Сотиб олинган векселлар бўйича ҳисобланган фоизлар

40600 Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар

40700 Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар

40800 Сотиб олинган векселлар бўйича фоизли даромадлар

45000 Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари буйича фоизли даромадлар

45609 - Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда

45611 - Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда (Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)

45700 Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар

45803 - Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда

45805 - Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда

45809 - Хусусий капиталга қилинган инвестиция бўйича олинган дивидендлар

“Активлар” бўлимига тегишли бўлган ҳисобварақларда молиявий активлар бўйича даромадлар ҳисобланади ва “Даромадлар” бўлимига тегишли бўлган ҳисобварақларда улар тан олинади.

Молиявий активлар бўйича фоизлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси келтирилади:

Дебет 1xxxx Олиш учун ҳисобланган фоизларнинг тегишли ҳисобварағи

Кредит 4 xxxx Фоизли даромадларнинг тегишли ҳисобварағи

Ҳисобланган фоизлар олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет 10101 “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миждознинг депозит ҳисобварағи

Кредит 1xxxx Олиш учун ҳисобланган фоизларнинг тегишли ҳисобварағи

Дисконт реал фоиз ставкаси методини қўллаш орқали амортизацияланади, шартнома бўйича олинган лозим бўлган фоизлар ҳар ойда ҳисоблаб борилади.

Қимматли қоғозлар бўйича дисконт олинганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси келтирилади:

Дебет – 163xx - Қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Кредит – 1xxxx - Қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)

Молиявий активлар бўйича дисконт белгиланган муддатларда амортизацияланади ва даромад таркибига ўтказилиб, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда ўз аксини топади ва ушбу операция бўйича бухгалтерия ўтказмаси қуйидагича амалга оширилади:

Дебет – 1xxxx – Қимматли қоғозлар бўйича дисконт

Кредит – 4xxxx - Қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар

Биз фақат банкнинг асосий фоизли даромадлари ҳисобланган кредит ва қимматли қоғозлар бўйича даромадларни ҳисобини кўриб чиқдик.

Тижорат банклари фоизсиз бўлган хизматлар кўрсатишдан олинган ёндош фаолият даромадлари, яъни ноанъанавий банк хизматларидан даромадлари манбаи бўлиб, чет эл валютасидаги операциялар, қимматли қоғозлар билан операциялар, лизинг ва факторинг операциялари, банкларнинг кафолатлаш фаолияти, траст (ишонч) хизмати кўрсатиш, консалтинг хизматлари ва бошқа фаолият юритиш давомида амалга оширадиган операциялари ҳисобланади.

2.3-жадвалдан ҳам кўриниб турибдики фоизсиз даромаднинг асосий қисмини воситачилик ва хизматлар учун ҳақ тўлашдан олинган даромад ташкил қилади. 2015 йилда у 115 млрд. сўмни ташкил қилиб фоизсиз даромадлар таркибида 76,8 %ни ташкил қилган. Қолган фоизсиз даромадлар ичида валюта операцияларидан кўрилган фойда ташкил қилади (14,7 %) ва бошқа операцион даромад (8,5%) ташкил қилади. Воситачилик даромад 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 29,4 млрд. сўмга кўпайган бўлсада жами

даромаддаги улуши 9,4 фоизга камайган, валюта операцияларидан тушган фойда ҳам 8,7 фоизга, бошқа операцион даромадлар 0,9 фоизга кўпайган.

2.3-жадвал

ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»нинг фоизсиз

даромадлари таркиби таҳлили²²

Фоизсиз даромадлар турлари	2014		2015		Ўзгариши (+/-)	
	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да
Воситачилик ва хизматлар учун ҳақ тўлашдан олинган даромад	86034	86,2	115433	76,8	29399	34,2
Валюта операцияларидан кўрилган фойда	6008	6,0	22120	14,7	16112	268,2
Инвестициялардан даромад	26	0,0		0,0	-26	-100,0
Дивидендлар шаклидаги даромад	74	0,1	0	0,0	-74	-100,0
Бошқа операция даромадлари	7616	7,6	12767	8,5	5151	67,6
Жами фоизсиз даромад	99758	100,0	150320	100,0	50562	50,7

Фоизсиз даромадлар қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олиб борилишини кўришимиз мумкин:

- 45200 – “Фоизсиз даромадлар”;
- 45400 – “Хорижий валюталардаги фойда”;
- 45600 – “Тижорат операцияларидан олинган фойда”;
- 45700- Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициядан олинган фойда ва дивидендлар”;
- 45800 – “Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар”;
- 45900 – “Бошқа фоизсиз даромадлар”.

Банкнинг фоизсиз даромадига юқоридаги саволларда кўрганимиздек комиссион даромадлари, чет эл валютасидаги фойда, тижорат операцияларидан олинган фойда, инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар ҳамда бошқа фоизсиз даромадлар киради.

Тижорат банклари фоизсиз даромадлари таркибида энг кўп улушга эга бўлган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ҳисобга олишда улар авваламбор тан олинади ва шундан сўнг даромадлар

²² ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank» молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ҳисобварағига ўтказилади. Масалан, банк мижознинг тўлов ҳужжатлари бўйича 1000000,00 сўмни ўтказиб берди, банк ҳисобварағи шартномасига асосан дебет айланмаси бўйича 0,5 фоиз миқдорида хизмат ҳақи келишган бўлса, у олган фоизсиз даромади 5000,00 сўмни ташкил этади. Ушбу тўлов шартнома шартларига асосан кейинги иш кунда ёки шартномада белгиланган муддатда мижоз ҳисобварағидан тўлаб берилади.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилиши лозим:

Дебет 16401 – «Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар» 5000,00 сўм;

Кредит 45249 – «Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар» 5000,00 сўм.

Ҳисобланган даромад ундирилганда эса:

Дебет Мижознинг ҳисобварағи 5000,00 сўм;

Кредит 16401 – «Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар» 5000,00 сўм.

Хозирда кўпчилик тижорат банклари фоизсиз даромадларни ундиришда мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлса тўғридан–тўғри даромад ҳисобварағига кирим қилинаёпти, яъни:

Дебет Мижознинг ҳисобварағи 5000,00 сўм;

Кредит 45249 – «Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар» 5000,00 сўм.

Агар мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлмаса, юқорида келтирилган бухгалтерия ўтказмаси орқали даромад ҳисобга олиниб, маблағ келиб тушиши билан ундириб олинаёпти.

Банклар қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчилари сифатида инвестицион, олди–сотди операцияларни ривожлантириб келмоқда. Бунинг натижасида ўз даромадлари таркибини кенгайтирмоқда.

Банк ихтиёрида бўлган қимматли қоғозлар бўйича эмитентлар томонидан эълон қилинган дивидендлар ҳисобга олинганда:

Дебет 19939 – «Олинадиган дивидендлар»;

Кредит 45800 – «Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар».

Бухгалтерия ўтказмаси келтирилади.

Эълон қилинган дивидендлар пул кўринишда олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет банк вакиллик ҳисобварағи ёки эмитент ҳисобварағи;

Кредит 19939 – «Олинадиган дивидендлар».

Банк молиявий активларини сотиш натижасида ёки ҳисобдан чиқаришда ижобий ёки салбий натижага эришиш мумкин. Агар ижобий натижага яъни, фойда олса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

Дебет Кассадаги нақд пуллар, мижознинг ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи;

Кредит 4xxxx Қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда.

Хулоса қилиб айтганда банк даромадлари таркиби банк томонидан амалга ошириладиган операцияларга боғлиқ бўлади. Банк фоизли даромадлари ичида кредит операцияларидан олинган даромадлар салмоғи кўп.

2.2. Банк харажатлари ҳисоби

Банк даромадлари ҳисобини кўриб чиққандан сўнг харажатлар ҳисоби жараёнини кўриб чиқсак.

Банк харажатлари ҳисобида биз харажатларни фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларга бўлиб ўрганишни ўринли деб билган эдик. Шундан келиб чиққан ҳолда, авваламбор банкнинг фоизли харажатлар ҳисобини тадқиқ қиламиз.

2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»нинг фоизли харажатлари 2015 йилда 89,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 23,3 млрд. сўмга кўп. Фоизли харажатлар таркибида 2015 йилда энг юқори улушга мижозларнинг маблағлари бўйича

фоиз харажатлари 72,9 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 27,6 фоизга купайган.

2.4-жадвал

ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»нинг фоизли харажатлари таркиби таҳлили²³

Фоизли харажат турлари	2014		2015		Ўзгариши (+/-)	
	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да
Мижозларнинг маблағлари бўйича фоизли харажатлар	50967	77,3	65030	72,9	14063	27,6
Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фоизли харажатлар	3477	5,3	4132	4,6	655	18,8
Қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар	3138	4,8	3879	4,3	741	23,6
Бошқа фоизли харажатлари	8311	12,6	16146	18,1	7835	94,3
Жами фоизли харажатлар	65893	100,0	89187	100,0	23294	35,4

Банк томонидан жалб қилинган депозитлар бўйича фоизларни текширишда банк ҳисобварағи шартномасида кўзда тутилган фоизлар ҳар куни депозит қолдиғининг ҳақиқий суммасига ҳисоблаб ёзилади. Масалан, банк филиали Шарипов Ж. дан 2016 йил 1 февралда 3 ойга йиллик 18 фоиз ставкаси билан 100000 сўм муддатли депозит жалб қилди. Депозитларга фоизлар қолдиқ сумма доирасида ҳар куни ҳисобланади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси ёрдамида акс эттирилади:

$$\text{Фоиз суммаси} = \frac{1000000,00 \times 18\% \times 1}{365 \times 100\%} = 493,15 \text{ сўм}$$

Дебет 51106 – «Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар» 493,15 сўм;

Кредит 22405 – «Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар» 493,15 сўм.

2016 йил феврал оyi учун фоизли харажат: $493,15 \times 28 = 13808,22$ сўмни ташкил этди ва у тўланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

²³ ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank» молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Дебет 22405 – «Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар»
13808,22 сўм;

Кредит 10101 – «Айланма кассадаги нақд пуллар» 13808,22 сўм.

Ҳозирги кунда банк амалиётида муддатли ва жамғарма депозитлар бўйича банк билан миждоз ўртасида тузилган банк ҳисобварағи шартномалари шартлари бажарилмай қолаётганини кузатиш мумкин. Миждозлар шартномада кўзда тутилган муддатларга риоя қилмасдан депозитлардаги маблағларини муддатидан олдин ечиб олиш ҳоллари кузатилмоқда. Бунда олинган муддатгача ҳисобланган фоизлар қайта ҳисобланиши талаб этилади. Айрим ҳолларда банк ҳодимларининг лоқайдлиги туфайли ҳисобланган фоизли харажатлар қайта кўриб чиқилмаяпти. Фикримизча, ушбу депозитлар бўйича қилинган харажатлар қайта коррективировка қилиниши лозим ва банк харажатлари камайтирилиши керак.

Банк амалиётида инвесторларни қизиқтириш ёки муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларни тезроқ жойлаштириш мақсадида қимматли қоғозлар дисконт ёки мукофот билан чиқарилади.

Қимматли қоғозлар дисконт билан чиқарилганда дисконт сотиш санасида акс эттирилади ва қимматли қоғозларнинг муомала муддати ичида реал фоиз ставкаси усули бўйича амортизация қилинади:

Дебет 54200 – «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар»;

Кредит 23698 – «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт»;

Кредит 22414 – «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар».

Қиммати қоғозлар мукофот билан чиқарилганда мукофот сотиш санасида акс эттирилади ва дисконт сингари қиммати қоғозларнинг муомала муддати ичида реал фоиз ставкаси усули бўйича амортизация қилинади:

Дебет 23696 – «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия);

Дебет 54200 – «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар»;

Кредит 22414 – «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар».

Тижорат банкларининг фоизсиз харажатлари асосан банк операцияларини амалга ошириш натижасида вужудга келади ёки бирор бир операцияни амалга ошириш натижасида юзага келган зарар сифатида намоён бўлади. Буларга юқоридаги саволларда кўриб чиққанимиздек, воситачилик ҳақини тўлаш харажатлари, чет эл валютасидаги зарарлар, харид қилиш ва сотиш ҳисобрақамлари бўйича зарарлар, инвестициялар бўйича зарарлар ва бошқа фоизсиз харажатлар киради.

Банкнинг фоизсиз харажатлари ҳисобини ўрганиш жараёнида комисион харажатлар салмоқли ўринни эгаллаганини кўриш мумкин. Улар асосан бошқа банкларга тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангаларнинг олди–сотди операциялари, сотиб олинган векселлар, аккредитивлар ва акцептлар бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари, овердрафт, кредитлар ва кредит мажбуриятлари бўйича харажатлари, маҳаллий ва хорижий тўловлар бўйича воситачилик харажатлари, инкассо операцияларини амалга ошириш бўйича ва воситачилик харажатлари, кафолат ва кафиллик операцияларини амалга ошириш бўйича воситачилик харажатлари, бошқа воситачилик ва хизмат харажатлари киради.

Кўпчилик хизмат кўрсатувчилар ҳозирги кунда тўловларни олдиндан тўлашни талаб этади. Агар ушбу харажатлар олдиндан тўланганса куйидаги тартибда ҳисобга олинади:

Дебет 19907 – «Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар» ёки 19925 – «Олдиндан тўланган харажатлар»;

Кредит Маблағ олувчининг ҳисобварағи.

Хизмат кўрсатилгандан сўнг олдиндан тўланган тўлов харажатлар таркибига ўтказилади ва куйидагича ҳисобга олинади:

Дебет 55100 – «Фоизсиз харажатлар»;

Кредит 19907 – «Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар» ёки 19925 – «Олдиндан тўланган харажатлар».

Банкнинг бошқа фоизсиз харажатларига асосий воситаларини ва бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар ҳамда бошқа фоизсиз харажатлар киради. Буларни ҳисобга олиш учун 55902 – «Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар», 55906 – «Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар», 55995 – «Бошқа фоизсиз харажатлар» ҳисобварақларидан фойдаланилади.

Банкнинг функционал фаолиятини таъминлаб берувчи харажатлари ҳисобланган операцион харажатлар банклар фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Операцион харажатларга юқоридаги саволларда кўриб ўтганимиздек, ходимларга бериладиган иш хақи ва бошқа тўловлар, ижара ва офисни таъминлаш, хизмат сафари ва транспорт харажатлари, маъмурий харажатлар, репрезентация ва хайрия ишлари, эскириш харажатлари, суғурта, солиқлар ва бошқалар, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш харажатлари киради. Операцион харажатлар банк томонидан бошқариб боришга ҳаракат қилинади. Шу учун бош банк бир молия йили учун смета ишлаб чиқади. Смета амал қилиши даврида харажатларни банкнинг бош бухгалтери ёки унинг ёрдамчиси бошқариб туради.

Смета банкнинг молиявий менежмент бошқармаси томонидан ишлаб чиқилади, унда банкнинг даромадлари ва харажатлари бўйича барча филиаллар учун ойма–ой суммалари белгиланади. Харажатлар ва даромадлар сметаси банк филиалларининг, ўз навбатида банкнинг бутун фаолияти натижасида ўтган йиллар давомида олган натижалари асосида белгиланади. Смета асосида фақат банкнинг меъёрлаштирилган харажатлари тартибга солинади. Депозитлар бўйича тўланадиган фоизлар ва бошқа қатъий белгиланадиган харажатлар меъёрлаштирилмайди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банк харажатларининг деярли ярмидан кўпини операцион харажатларга тегишли. Операцион харажатлар ичида эса асосий ўринни ходимларга тўланадиган иш ҳақи ва бошқа унга тенглаштирилган тўловлар эгаллайди.

2.5–жадвал

ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»нинг операцион харажатлари таҳлили²⁴

Операцион харажат турлари	2014		2015		Ўзгариши (+/-)	
	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да
Ходимларга тўланадиган иш ҳақи ва бошқа харажатлар	74918	53,6	103684	58,6	28766	5,0
Асосий воситаларнинг ва номоддий активларнинг эскириши	6650	4,8	9465	5,3	2815	0,6
Эҳтимолий зарарлар учун заҳирани баҳолаш	874	0,6	468	0,3	-406	-0,4
Бошқа операцион харажатлар	57428	41,1	63373	35,8	5945	-5,3
Жами операцион харажатлар	139870	100	176990	100,0	37120	0,0

2.5–жадвал маълумотларида ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»да операцион харажатлар таркибида асосий ўринни ходимларга тўланадиган иш ҳақи ва маъмурий харажатлар ташкил этади. ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»да ходимларга тўланадиган иш ҳақи йилдан йилга ўсиб борганлигини кўрса бўлади, жумладан, операцион харажатлардаги улуши 2015 йилда 58,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 53,6 фоизни ташкил қилган.

Операцион харажатларни ҳисобга олиш учун 56100 – «Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар», 56200 – «Ижара ва таъминот харажатлари», 56300 – «Хизмат сафари ва транспорт харажатлари», 56400 – «Маъмурий харажатлар», 56500 – «Репрезентация ва хайрия», 56600 – «Эскириш харажатлари», 56700 – «Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар», 56800 – «Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварақлари очилади, ҳар бир харажат тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақ ўрганилади.

²⁴ ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank» молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Агар харажатлар олдиндан тўланган бўлса, улар 19907 – «Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар», 19909 – «Товар–моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар», 19925 – «Олдиндан тўланган харажатлар» ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади. Банк кейинги йил учун қилган харажатлари 19929 – «Бошқа муддати узайтирилган харажатлар», 19931 – «Муддати узайтирилган солиқлар» ҳисобварақларида ҳисобга олиниб, улар тегишли ҳисобот даври келганда харажатлар таркибига ўтказилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, банк даромадлари ва харажатлари маблағ кириб келиши ёки чиқиб кетишидан қатъий назар қайси ҳисобот даврига тегишли бўлса, шу ҳисобот даврида акс эттирилади.

2.3. Банк фойдаси ва унинг ҳисоби

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини фойда олиш мақсадида олиб боради, шу жумладан, тижорат банклари ҳам. Банклар ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти қонуниятлари амал қилиб, банклараро рақобатнинг кучайиб бориши шароитида ҳар бир мижоз учун кураш олиб борган ҳолда, янги банк хизматлари бозорида ютиб чиқишга ҳаракат қилади. Тижорат банклари банк хизматлари бозорида кредит, касса, ҳисоб–китоб, валюта, воситачилик, маслаҳатчилик, траст ва бошқа банк операцияларини амалга ошириб, улардан даромад олишга интилади. Олинган даромад ҳар доим ҳам қилинган харажатларни қопламайди, бу фаолият натижаси зарар билан чиққанлигини англатади. Бу кўпчилик ҳолатларда банк фаолиятида маълум бир қийинчиликларни юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан тижорат банки фаолияти зарар билан чиқиш сабабларни ўрганиш, унинг аниқ суммаларини тўғри ҳисоб–китоб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Банк фаолиятини таҳлил қилиш, бошқариш ва режалаштиришда банк фаолиятининг молиявий натижасини ижобий бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинади. Шундай бўлсада банк фаолияти натижаси салбий бўлган

ҳолатлар юзага келиш олдини олиш, унинг оқибатларини тўғирлаш учун қандай чора–тадбирлар амалга оширилиши кераклиги аниқланиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, банк фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган фойда банк асосий фондларининг янгиланиши ва кўпайиши асоси, ўз капиталининг кўпайиши, банкнинг тўловга лаёқатлиги ва ликвидлилигини таъминлаши, молиявий барқарорлиги, дивиденд тўлаш имконияти, банк хизматлари сифатини ошириш ва ривожлантиришга замин яратади. Шунинг учун ҳам, якуний молиявий натижалар ҳисобини тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда тижорат банкларида молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантириш алгоритми Марказий банк томонидан белгиланган молиявий ҳисобот шакллари ва бухгалтерия ҳисоби стандартларига асосланади.

Хозирги кунда Ўзбекистонда тижорат банкларида молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантириш алгоритми Марказий банк томонидан белгиланган молиявий ҳисобот шакллари ва бухгалтерия ҳисоби стандартларига асосланади. Жумладан, Марказий банк томонидан 2004 йил 6 ноябрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича тақдим этиладиган тижорат банклари ҳисоботларини тўлдириш тавсиялари» тўғрисидаги № 584 йўриқнома бўйича 0204IS «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот» шаклини тўлдириш тўғрисидаги методик кўрсатмалар асос бўлиб ҳисобланади. Унга кўра молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- Соф фоизли даромад;
- Эҳтимолий зарарлар захираси чиқариб ташлангандан сўнг соф фоизли даромад;
- Операция харажатлари қилингунга қадар соф даромад;
- Даромад солиғини ҳисобга олмаган ҳолда соф даромад;
- Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар).

Бундан кўриниб турибдики молиявий натижалар бир-бири билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизимидир ва улар тижорат банкларида даромад ва харажатларни бир-бирига солиштириш орқали аниқланади.²⁵

2.6–жадвал

ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»да «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот шаклида молиявий натижаларни шаклланиши²⁶

№	Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	Ўзгариши	
				млн. сўм	фоизда
1	Фоиз даромади	190310	280225	89915	47,2
2	Фоизли харажатлар	65894	89188	23294	35,4
3	Соф фоиз даромади	124416	191037	66621	53,5
4	Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарларни (баҳолаш) қайта тиклаш	4684	10592	5908	126,1
5	Захирани баҳолаш чегириб ташлаганидан кейинги соф фоиз даромади	119732	180445	60713	50,7
6	Фоизсиз даромад	99758	150320	50562	50,7
7	Фоизсиз харажатлар	19593	39957	20364	103,9
8	Операцион харажатлар	139870	176990	37120	26,5
9	Даромад (фойда) солиғидан олдинги соф фойда (зарар)	60027	113818	53791	89,6
10	Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	12440	23969	11529	92,7
11	Соф фойда (зарар)	47587	89849	42262	88,8

2.6-жадвал маълумотларига асосан банк 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 42,3 млрд. сўм миқдорида кўп фойда олган. Бунинг асосий сабабларидан бири банкнинг фоизли ва фоизсиз даромадлари кўпайганлигидандир. Шунингдек, маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки, мамлакатимизда тижорат банклари молиявий натижаларини шакллантиришда даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишида кўрсаткичлардан фойдаланилади. Банк даромадлари фоизли ва фоизсизга, харажатлар фоизли, фоизсиз ва операцияга ажратилади.


Банкнинг фойдаси юқори бўлиши учун, энг аввало, уни тўғри ташкил қила билиш керак. Бунда биз, фойдани бошқаришни тушунишимиз керак ва уни тўғри баҳолай олиши лозим. Фойдани бошқаришнинг асосий мақсади,

²⁵ Умаров З.А. “Тижорат банкларининг молиявий натижалари моҳияти” Иқтисодиёт ва таълим журнали № 1 2006 йил

²⁶ ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank» молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

баланс ликвидлигини таъминланган ҳолда, рисклилиқ даражаси юқори бўлмаганда максимал фойда олишдан иборатдир.

Банкни бошқаришнинг самарадорлигини ошириш унинг даромадлилик нуқтаи назаридан банк фаолиятини таҳлил қилишга ёрдам беради. Яъни, кредит ва фоиз сиёсатини тузиш, фойдалироқ операцияларини аниқламоқ ва даромадларни ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Бу масалаларни молиявий менежментсиз ҳал этиб бўлмайди.



2.2-расм. Банк фойдасини бошқаришда менежментнинг ўрни²⁷

Ушбу расм тижорат банклари фойдасини бошқаришда молиявий менежмент билан ўзаро алоқадорлиги кўрсатиб беради.

Бунга кўра, тижорат банкларида молиявий менежмент биринчи навбатда банк стратегияси реализацияси ва режасини таъминловчи

²⁷ П.П.Радковская «Методологические подходы к управлению прибылью коммерческого банка». Журнал «Финансы и кредит». 1 январь 2006 (205), 22 с.

бошқарувнинг рационал тизимии ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш мақсадининг молиявий фарлятини тадқиқ қилиш билан ўзаро боғлиқ.

Бу расм тижорат банки фаолятининг мақсади сифатида молиявий менежментнинг фойдани бошқаришдаги умумий тасаввурини беради.

Тижорат банки фойдасининг катталигига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- банк даромади ва харажатларининг ўзаро нисбати;
- кредитлар бўйича фоиз ставкасининг ўртача даражаси;
- кредит ва депозит операциялари ҳажмини ўзгариши;
- актив операцияларнинг ўртача даромадлилиги;
- даромад ҳажми ва ундаги фойданинг улуши;
- банк капитали катталиги;
- кредит портфели тузилиши;
- омонатларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар

Биринчи 5 та омил балансли фойда катталигига, 6-омил барқарорликка, 7 ва 8-омиллар банк операциялари фойдалилиги сифатининг ўсишига таъсир қилади.

Банк фойдасини бошқаришни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

- фойдани бошқариш жараёнида иштирок этувчи банк бўлимларини аниқлаш;
- банкнинг даромадлари, харажатлари ва фойдасини режалаштириш;
- банк фойдалилиги даражасини баҳоловчи усулларни қўллаш;
- фойдани жорий тартибга солиш усулларини аниқлаш.

Банк фойдасини бошқаришда унинг турли хил бўлимлари қатнашади, жумладан, бошқарувчи органлар, департаментлар, бошқарма ва бўлимлар.

Шунингдек, функционал бўлимлар, банкнинг актив ва пассив операцияларини амалга оширишда иштирок этувчи бўлимлар ва бошқармалар. Уларнинг фойдани бошқариш бўйича функциясига

рентабелликни баҳолаш ва таҳлил қилиш, алоҳида шартномалар рентабеллигини назорат қилиш киради.

Иккинчидан, кредит ташкилотининг бошқа бўлимлари. Уларнинг функциясига даромадлар ва харажатлар режасини тузиш, банк фойдаси даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш, фоиз маржаси катталигининг етарлилиги ҳақида таклифлар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Фойдани бошқаришда иштирок этувчи банкнинг учинчи бўлими бўлиб, бухгалтерия ҳисобланади.

Банк молиявий натижалари таҳлилининг объекти бўлиб, унинг тижорат фаолияти, субъекти бўлиб эса, бевосита банкнинг ўзи ҳисобланади.

Тижорат банки оладиган фойда, унинг банк бозоридаги кейинги мавқеини аниқлаш ва функционаллаштириш учун моддий асос ҳисобланади. Дивидент ва солиқлар тўлангандан кейин қоладиган даромад ҳажми банк капиталини сақлаб қолишга ва керакли захираларни ташкил этишга етарли бўлиши керак.

Банкларда икки хил: тақсимланмаган фойда ва жорий йил соф фойдаси фарқланади. Буларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасининг «Капитал» бўлимида 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)», 31206 – «Соф фойда (зарар)» баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади. Иккала ҳисобварақ ҳам мазмун жиҳатидан актив–пассив ҳисобварақдир, уларнинг дебитида ҳам, кредитида ҳам қолдиқ ҳосил бўлиши мумкин. Ҳисобварақнинг дебитида қолдиқ ҳосил бўлганда банк фаолияти зарар билан яқунланади, кредитда қолдиқ ҳосил бўлса банк фойда кўрган бўлади.

2.7-жадвал

ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»нинг жорий йил соф фойдаси таҳлили²⁸

№	Кўрсаткич	2014	2015	Ўзгариши	
				млн. сўм	фоизда
1	Жорий йил соф фойдаси (зарар)	47587	89849	42262	88,8

²⁸ ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank» молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики банкнинг жорий йил фойдаси 2015 йилда 2014 йилга нисбатан деярли 2 баравар кўпайган.

Жорий йил соф фойдасини ҳисобга олиш учун 31206 – «Соф фойда (зарар)» баланс ҳисобварағидан фойдаланилади, унинг кредитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган фойда, нотўғри эълон қилинган ва қайтарилган дивидентлар ҳамда «Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар)» ҳисобварағига ўтказиладиган зарарлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебитида эса, тўланадиган дивидентлар, захира капиталига ўтказиладиган сумма, ҳисобот йилида кўрилган зарар ҳамда «Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар)» ҳисобварағига ўтказиладиган фойда суммаси акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб соф фойда ва дивидендлар ҳисоби бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Масалан, «А» банк 2009 йил якунида 42100 млн. сўм даромад олди ва 38240 млн. сўм харажат қилди. Банкнинг даромадлар ва харажатлар ҳисобварақлари ҳисобот йили охирида ёпилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари бажарилади:

Дебет 40000 Даромадлар 42100 млн. сўм;

Кредит 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив)» 42100 млн. сўм.
ҳамда

Дебет 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив)» 38240 млн. сўм;

Кредит 50000 Харажатлар 38240 млн. сўм.

Бундан кўриниб турибдики банкнинг жорий йил соф фойдаси $42100 - 38240 = 3860$ млн. сўмни ташкил этди.

Банк фойдасини тақсимлаш меъёрий ҳужжатлар ҳамда банк таъсис ҳужжатларига асосан ўтказилади. Бунда банк фойдасидан турли хил захира фондлари, махсус фондлар яратилади, дивидендлар, солиқлар тўланади, шунингдек, банк таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган мақсадлар учун фойдаланади. Банк томонидан ҳисобот йилида олган фойдасининг тақсимланмай қолган қисми ёки кўрган зарари 31206 – «Соф фойда (зарар)

(актив–пассив)» баланс ҳисобварағидан 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (актив–пассив)» ҳисобварағига ўтказилади. Ушбу ҳисобварақда жорий ва ўтган йилларда тақсимланмай қолган фойда (зарар), ҳар хил фондлар учун ажратмалар, эълон қилинган дивидентлар суммаси ва банк фойдаси ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора–тадбирлар суммаси акс эттирилади. Юқорида кўриб ўтилган ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

2.8-жадвал

ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»нинг тақсимланмаган фойдаси таҳлили²⁹

№	Кўрсаткич	2014	2015	Ўзгариши	
				млн. сўм	фоизда
1	Тақсимланмаган фойда	129055	209580	80525	62,4

ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»нинг тақсимланмаган фойдаси 2015 йилда 209,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 80,5 млрд. сўмга кўпайган. Тижорат банклари фойдаси миқдорига кўп омиллар таъсир қилиши мумкин, жумладан, ташқи ва ички омиллар.

Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин чет эл валютаси курсининг ўзгариши, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасини ўзгариши, мажбурий заҳиралар катталиги, солиқ қонунчиликлари, давлат қимматбаҳо қоғозлари бўйича даромадлиликнинг ўзгариши, мамлакатдаги сиёсий аҳвол, банк хизматлари бозоридаги рақобат ва бошқа омиллар. Тижорат банклари фойдаси миқдорига боғлиқ бўлган ички омилларга, энг аввало банкнинг актив ва пассивларини бошқара олишини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг даромадлари ҳажмига таъсир қиладиган омиллар кўп қиррали бўлиб, уларнинг таъсир механизмини чуқур таҳлил қилиш ва унинг салбий таъсирига барҳам бериш тадбирларини ишлаб чиқиш, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи — назаридан, катта амалий аҳамият касб этади.

²⁹ ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank» молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

II боб бўйича хулоса

Банк даромадлари ва харажатлари ҳисобида уларни ҳисобга олишда тан олиш мезонларининг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисобининг изчиллик, ишончлилиқ, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалиқ таъминлари билан бирга «эҳтиёткорлик», «ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги», «аҳамиятлилиқ» таъминларидан фойдаланса мақсадга мувофиқ.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур. Бунинг учун, аввало, республикада тижорат банкларининг қимматли қўғозларга қилинадиган инвестицияларининг ҳажмини кескин ошириш лозим. Тижорат банкларида қимматли қўғозларнинг эмитентларининг молиявий ва мулкӣ ҳолатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш қимматли қўғозларга қилинган инвестициялардан олиннадиган даромадларни оқилона даражасини таъминлаш имконини беради. Банкларнинг қимматли қўғозлар портфелини сезиларли қисмини, айтилиқ, камида 20-25 фоизини ҳукуматнинг қимматли қўғозлари ҳисобидан шакллантириш лозим. Бу эса, қимматли қўғозлар билан боғлиқ банк операцияларининг риск даражасини камайтириш имконини беради. Фоизли даромадларнинг ҳажмини оширишнинг иккинчи йўли банкларнинг лизинг ва факторинг операцияларини ривожлантириш ҳисобланади.

Тижорат банкларини кредитларидан олиннадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш мақсадида: кредитларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини, банкларнинг пасивлари таркибида марказлашган ресурслар ва бошқа банклардан олинган кредитларнинг салмоғини кескин камайтириш ва уларнинг ўрнига ва мудатли ва жамғарма депозитларининг салмоғини ошириш; кредитлашнинг турли шаклларида кенг қўламда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Тижорат банклари даромад ва харажатлар ҳисобини такомиллаштириш

Банк тизими ўз олдига қўйган вазифаларни ҳал этиши учун молиявий жихатдан барқарор бўлишлари лозим. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги улар амалга ошираётган операцияларига ва олаётган молиявий натижаларига бевосита боғлиқдир.

Банк амалга оширган фаолият натижасини баҳолаш, унинг фаолияти самарадорлигини оширишда иқтисодий кўрсаткичлар тизимини яратиш, эришилган ютуқлар ва фойдаланилмаган имкониятларга баҳо бериш, банк фаолиятини юритишнинг энг қулай усуллари аниқлаш вазифасини бажаришда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг халқаро амалиётда қўлга киритган ютуқларидан кенг фойдаланишни талаб этади. Банк фаолияти натижасини баҳолаш жараёнида кўп жихатдан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари, жумладан, баланс, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот шаклларидан фойдаланилади. Айрим давлатларда балансдан фойдаланишса, айримлари фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланишади. Бизнингча, амалиётни таҳлил қилган ҳолда таъкидлаш жоизки бухгалтерия ҳисоби услубиёти тўлиқ ва етарлича маълумот билан таъминланыпти деб бўлмайди.

Молиявий ҳисобот элементларидан ҳисобланган даромад ва харажатларни ҳисоботларда тўғри акс эттириш ёки уларни тан олиш ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Банк даромад ва харажатлари ҳисобини такомиллаштиришда даромад ва харажатларни тўғри тан олишга алоҳида аҳамият бериш лозим. «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306–сонли низомда тан олиш – элемент таърифига жавоб берадиган ва тан олиш мезонларини

кондирадиган муайян моддани пул суммаси кўринишида акс эттириш ва баланс ёки фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритиш жараёни деб таъриф берилган.

Қайд этиб ўтиш керакки, банк даромади ва харажатини тан олишдан мақсад уларнинг молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилиши ва якуний молиявий натижани тўғри аниқлашдир.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобида даромад ва харажатларни акс эттириш (тан олиш) ҳисоблаш усулида амалга оширилмоқда. Шунингдек, халқаро амалиётда даромад ва харажатларни тан олишнинг касса усули ҳам мавжуд.

Тан олишнинг бу икки усули тўғрисида тўхталадиган бўлсак, уларнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ҳисобга олишнинг касса усулида даромадлар маблағ келиб тушганда, харажатлар эса тўловлар тўланганда ҳисобга олинган. Бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида тузиладиган молиявий ҳисоботларда мавжуд бўлган маблағлар тўғрисида маълумот шакллантирган. Хўжалик юритувчи субъектга олган даромад ҳисобидан солиқ тўлаш имкониятини берган, лекин, иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун шароит яратиб бермаган.

Ҳисоблаш усули эса даромад ва харажатларни пул маблағларини олиш ёки тўлаш асосида эмас, балки келган даврда тушиши ёки пайдо бўлишига қараб бухгалтерия ҳисобида эътироф этади ва молиявий ҳисоботларда акс эттиради.

Ҳисоблаш усули молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини ўтган даврда олинган ва тўланган маблағлар тўғрисида маълумот бериб қолмай, келажакда маблағларни тўлаш мажбуриятининг юзага келиши ёки маблағларнинг олиш имконияти юзага келиши тўғрисида маълумот беради. Шундай қилиб, у фойдаланувчиларга иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган ўтган операциялар ва воқеалар тўғрисида маълумот билан таъминлайди.

Фикримизча, даромад ва харажатларни ҳисоблаш усули билан тан олиш куйидаги афзаликларга эга:

1. Банк даромад ва харажатлари маълум бир вақтга боғланмасдан, ҳисобот даврига боғланади, чунки ҳўжалик жараёни узлуксиз жараён;

2. Ҳар бир харажат маълум бир миқдордаги даромад олиш учун қилинади ва улар ўртасидаги боғлиқлик фақат ҳисоблаш усули билан кузатилиши мумкин;

3. Харажатларни вақт мобайнида тақсимлаш даромад олиш билан боғлиқ, сабаби даромад ва харажатлар боғлиқлиги ҳисобот даврида молиявий натижаларнинг тенг тақсимланишидадир;

4. Даромад ва харажатларни ҳисоблаш талаб ва мажбуриятларни юзага келиш вақтларини аниқлаш имкониятини беради.

Ҳисоблаш усулида даромад активлар кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши билан боғлиқ бўлган келажақдаги иқтисодий нафнинг ошиши юзага келса фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинади. Бунда у аниқ ўлчаш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу ҳақиқатда активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайишининг тан олиниши билан бир вақтда содир бўлади.

Шунингдек, харажат ҳам ҳисоблаш усулида активлар камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлган келажақдаги иқтисодий нафнинг камайиши юзага келса фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинади. Бунда ҳаражат ҳам аниқ ўлчаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Харажат фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда қилинган сарф ва олинган даромадни солиштириш орқали тан олинади. Масалан, банк кўрсатган ҳисоб–китоб хизмати бўйича қилинган харажат олинadиган даромад тан олинган пайтда ҳисобга олинади.

Фикримизча, банк даромадлари ва харажатларини тан олишда асосий эътиборни операция амалга оширилган вақтини тўғри аниқлаш ва тан олиш мезонларига қатъий риоя қилиш лозим.

Амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда даромад ва харажатларни тан олиш мезонлари сифатида қуйидагилар этироф этилган:

а) улар билан қўшилган ҳар қандай иқтисодий фойда банк томонидан олиниш ёки сарфланиш эҳтимоли мавжуд бўлганда; ва

б) модда ишончли ўлчанадиган қиймат ёки баҳога эга бўлганда бухгалтерия балансида тан олиниши лозим.

Бу икки мезон бажарилса банкнинг даромад ва харажатлари тан олиниши керак. Ушбу мезонларнинг бухгалтерия ҳисобидаги аҳамияти шундан иборатки, агар улардан бири бажарилмаса, даромад ёки харажатни тан олиш токи ушбу мезонлар тўлиқ бажарилгунга қадар чўзилади. Шундан сўнг, даромад келиб тушган пул маблағлари қийматида, харажат эса тўланган суммада ўлчанади.

«Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги низомда банklar даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишда изчиллик, ишонччилик, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалилик бўйича талабларни ўз ичига оладиган ҳисоблаб ёзиш усулини қўллаш бўйича тамойилларни қўллашлари керак эканлиги ва бу тамойиллар қўйилган талабларни бажариш ва қўллашнинг тегишли усуллари тўғрисидаги кўрсатмаларни ўз ичига олиши лозимлиги белгиланган.

Фикримизча, даромад ва харажатларни тан олишда, шунингдек, «эҳтиёткорлик», «ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги», «аҳамиятлилик», тамойилларидан фойдаланиш керак. Яъни, қарорлар қабул қилишда эҳтиёткорлик қондасига риоя қилиш активлар ва даромад қайтадан баҳоланмаслиги, мажбуриятлар ёки харажатлар эса етарлича баҳоланмаслигига йўл қўймаслик мақсадида ноаниқлик шароитида баҳо чиқариш учун зарурдир. Ҳисобот даврида олинган даромадлар билан қилинган харажатларнинг мувофиқлиги шуни англатадики, мазкур даврда ушбу ҳисобот давридаги даромадларни олишга асос бўлган харажатларгина акс эттирилади. Агар, даромад билан харажатлар ўртасида бевосита боғлиқликни ўрнатиш қийин бўлса, харажатлар бирон–бир тақсимлаш тизимига мувофиқ бир нечта ҳисобот даврлари ўртасида тақсимланади. Масалан, бир неча йилга тақсимланадиган амортизация харажатларига

тааллуқлидир. Даромад ва харажатларни ҳисобга олишда аҳамиятлилик тамойили молиявий ахборот фойдаланувчиларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида уларнинг эҳтиёжларини қондириш ва уларга операцион, молиявий ва хўжалик фаолиятига баҳо беришда кўмаклашиш учун аҳамиятли бўлиши керак. Шунингдек, арзимаган харажат элементини тўғри ҳисоблаш имконияти йўқлиги даромадни тан олмаслик сабаблари бўлмаслиги лозим.

Тижорат банкларининг фоизли ва фоизсиз даромадлари ҳисобида уларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларнинг мавжудлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Республикамиз тижорат банкларининг тижорат қимматли қоғозлари билан амалга оширадиган операцияларининг ривожланмаганлиги.

Маълумотлар таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, республикамизда ривожланган хорижий давлатлар амалиётидан фарқли уларок, фонд бозорларида кенг котировка қилинадиган бир қатор юқори ликвидли ва юқори даромадли қимматли қоғозлар мавжуд эмас. Бундай қимматли қоғозларга, хорижий валюталарда эмиссия қилинган ҳукуматнинг ўрта ва узоқ муддатга чиқарилган қимматли қоғозларини, тўлови ҳукумат томонидан кафолатланган корпоратив облигацияларни, тижорат банкларининг депозит сертификатларини, ҳосила инструментларини, субординациялашган қарз мажбуриятларини киритиш мумкин.

2. Мамлакатимизнинг тижорат банкларида, шу жумладан, ХАТБ «Davt-bank»да юқори даражада фоизли даромад келтирувчи лизинг, факторинг ва дисконт операцияларининг ривожланмаганлиги.

Ушбу операцияларнинг ривожлантириш тижорат банкларига барқарор фоизли даромад олиш имконини беради. Улар банкларни «Ностро» вакиллик ҳисобварақларида ортиқча пул маблағларини саклаб туриш заруриятидан халос этади.

3. Мамлакатимиз тижорат банкларида форфейтинг операцияларини ривожланмаганлиги.

Форфейтинг операциялари товарларни сотилишини тезлаштиради, банкларга юқори даромад келтиради.

4. Тижорат банкларининг кредит операцияларидан олинадиган фоизли даромадларнинг ҳажмини оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни, хусусан, мажбурий захира талабномаларининг юқори эканлиги, миждозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллашмаганлиги каби омилларнинг мавжудлиги.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш тижорат банклари даромадларининг барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур.

Бунинг учун, аввало, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицияларининг ҳажмини кескин ошириш лозим. Тижорат банкларида қимматли қоғозларнинг эмитентларининг молиявий ва мулкӣ ҳолатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинадиган даромадларни оқилона даражасини таъминлаш имконини беради. Банкларнинг қимматли қоғозлар портфелини сезиларли қисмини, айтайлик, камида 20-25 фоизини ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ҳисобидан шакллантириш лозим. Бу эса, қимматли қоғозлар билан боғлиқ банк операцияларининг риск даражасини камайтириш имконини беради.

Фоизли даромадларнинг ҳажмини оширишнинг иккинчи йўли банкларнинг лизинг ва факторинг операцияларини ривожлантириш ҳисобланади. Бунинг учун, аввало, лизинг бозори бўйича чуқур маркетинг Тадқиқотларини ўтказиш талаб этилади. унинг асосида тижорат банклари учун лизинг операцияларини ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш лозим.

Тижорат банкларининг лизинг операциялари уларга барқарор даромад келтиради. Чунки лизинг тўлови қатий белгиланган фоиз шаклида бўлади.

2. Тижорат банкларини кредитларидан олинадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш мақсадида:

- кредитларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини ошириш лозим;

- банкларнинг пассивлари таркибида марказлашган ресурслар ва бошқа банклардан олинган кредитларнинг салмоғини кескин камайтириш ва уларнинг ўрнига ва муддатли ва жамғарма депозитларининг салмоғини ошириш лозим;

- кредитлашнинг турли шаклларида кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Ҳар бир кредитлаш шакли унга бўлган объектив эҳтиёж натижасида юзага келади ва уларнинг риск даражасига қараб банкнинг фоиз ставкаси белгиланади.

- тижорат банкларида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Банкларда шундай баҳолаш тизимини юзага келтириш лозимки, у мижозини реал пул оқимини аниқ белгилаш ва прогнозлаш имконини берсин. Бундан ташқари, баҳолаш тизимида мижознинг кредит йиғма жилдини юритишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. унда мижознинг кредит тарихи, ҳулқига оид маълумотлар ўзининг тўлиқ ифодасини топган бўлиши лозим.

Тижорат банкларининг даромадлари ҳисобинини такомиллаштиришда юқори даромад келтирувчи факторинг операцияларидан дисконт кўринишдаги даромадни ҳисобга олишни такомиллаштириш лозим.

Тижорат банкларининг факторинг операциялари банкка дисконт кўринишида даромад келтирувчи операция ҳисобланади.

Тижорат банкларининг факторинг операциялари деганда, одатда, қарзни ундириш ҳуқуқини сотиб олиш тушунилади. Бунда банк ўз мижозидан дебитор қарзларини сотиб олади. Тўловчи тўлов суммасини бевосита

тижорат банкига тўлаб беради.

Тижорат банки факторинг операцияларида рискни тўлиқ ўз зиммасига олади. Шунинг учун ҳам банк товарлар ва хизматлар учун тўловни амалга ошириши лозим бўлган корхоналарининг тўловга қобиллигини чуқур ўрганади. Дебиторлар тўловни бевосита банкка тўлаш тўғрисида кўрсатма оладилар.

Факторинг операциялари ЎзР АВ томонидан 03.08.2000 й. да N 953 билан рўйхатга олинган, ЎзР МБ томонидан 15.07.2000 й. Да N 476 тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида” Низомга мувофиқ олиб борилади. Ушбу низомга мувофиқ факторинг - хўжалик юритувчи субъектлар - етказиб берувчиларни молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб, бунда улар банк - молиявий агентга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳақи тўланмаган тўловни, регресс ҳуқуқисиз, олиш ҳуқуқини берадилар.

Факторинг бўйича дисконтни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасида 11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив) ва 45217 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар- Факторинг ҳисобварақларидан фойдаланилади. 11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив) ҳисобварағида сотиб олинган дебиторлик қарзларининг тўлиқ номинал қиймати билан сотиб олиш нархи ўртасидаги салбий фарқ, яъни дисконт ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг кредитида банкнинг дебиторлик қарзини унинг тўлиқ номинал қийматидан паст нархда сотиб олгандаги дисконт суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида дисконт амортизацияси, шунингдек, қарздор томонидан дебиторлик қарзларини қисман ёки тўлиқ қоплаш натижасида ёки бошқа шахслар ҳисобига кечиб юборилганда ҳисобдан чиқарилган дисконт суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда

олиб борилади. 45217 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар- Факторинг ҳисобварағида сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича банкнинг олган даромадлари ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг кредитида қарздор томонидан сотиб олинган дебиторлик қарзини қоплашда ишлаб топилган даромад суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри олинган даромадларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банкнинг молиявий натижаси сифатида 31206-“Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

Ҳозирги кунда факторинг бўйича дисконт суммаси тижорат банклари томонидан факторинг суммаси тўланган вақтда даромад сифатида тан олинапти:

Дебет- 11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив)

Кредит - 45217 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар- Факторинг

11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив) ҳисобварағининг таърифига эътибор берсак, унинг дебетида дисконт амортизацияси ҳисобга олиниши лозимлиги қайд этиб ўтилган. Шу сабабли дисконтни факторинг шартномаси амал қилиш муддати давомида амортизация қилиб бориш ҳисоблаш усулига мос келади ва ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойилининг бажарилиниши таъминлайди.

Фикримизча, факторинг бўйича дисконтни икки қисмга, яъни берилган қисқа муддатли кредит учун тўлов ва хизмат кўрсатганлиги учун ҳақга бўлиш керак. Сабаби банк регресс ҳуқуқисиз тўлов талабномаларини сотиб олганда савдо ёки хизмат кўрсатувчи корхонани кредитлайди ва унга хизмат кўрсатади. Факторинг бўйича дисконтнинг 10-15 фоизини хизмат кўрсатганлиги учун ҳақ қолган 85-90 фоизини қисқа муддатли кредит учун тўлов сифатида ҳисобга олиш керак.

Бунда комисион ҳақ факторинг хизмати кўрсатилганда фоизсиз даромад сифатида тан олиниши ва ҳисобга олиниши лозим.

Қисқа муддатли кредит бўйича тўлов фоизли даромад сифатида тан олиниши ва ҳисобга олиниши лозим. Бунинг учун тижорат банклари ҳисобварақлар режасига фоизли даромадлар таркибига янги 41300 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича фоизли даромадлар- Факторинг ҳисобварағини киритиш лозим.

Бунда қисқа муддатли кредит бўйича фоизли даромад суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси келтирилади:

Дебет- 11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив)

Кредит - 41300 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича фоизли даромадлар- Факторинг

Факторинг бўйича фоизли даромад ҳисоблаш усули ва ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойилига мос ҳолда амалга оширилиши лозим.

Банк даромадлари ҳисобини такомиллаштиришда фоизсиз даромадлар ҳисобини юритишда ўз вақтида ундирилмаган воситачилик ҳақини ҳисобга олишда тижорат банклари фоизсиз даромадларни мижоз ҳисобварағида маблағ бўлишидан қатъий назар аввал ҳисобга олиб, кейин ундириб олиш лозим.

Мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнида банклар фоизсиз даромадларни ҳисоблаб қўйгандан сўнг мижозларнинг тўловга лаёқатсизлиги сабабли белгиланган муддатда уни ундириб олиш имкониятига эга бўлмай қоладилар. Ушбу ҳолат банкнинг ҳисобланган фоизсиз даромадлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини яратиш заруратини келтириб чиқаради. Бунинг учун банк ҳар бир қарздор мижоз учун очилган 16401 – «Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар», 16405 – «Ҳисобланган жарима ва пенялар», 16409 – «Операцион ижара бўйича ҳисобланган даромад», 16413 – «Ҳисобланган бошқа фоизсиз

даромадлар» шахсий ҳисобварағидаги маблағларини ҳисоб–китоб қилиш керак.

Фикримизча, 16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварақлардаги ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ўз вақтида тўланмаганларини ҳисобга олиш учун 16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар» ҳисобварағини киритса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ҳисобварағда олиш учун ҳисобланган, лекин шартномада белгиланган муддатда тўланмаган (активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича балансдан ташқари ҳисобварақларига ўтказилгунга қадар ҳисобланган муддати ўтган) фоизсиз даромадлар ҳисоби олиб борилиши, банк учун қанча ҳисобланган фоизсиз даромад ўз вақтида ундирилмаганлигини билиш имконини беради.

Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида тўланмаса, улар 16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар» ҳисобварағига ўтказилса кўйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дебет 16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар»;

Кредит 16401 – «Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар».

Муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар тўланганда эса:

Дебет Мижознинг ҳисобварағи;

Кредит 16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар».

Бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Юқоридаги саволларда кўрганимиздек, фоизсиз даромадлар таркибида акциялардан олинаётган дивидендлар қиммали қоғозлар билан операциялар ривожланиши билан ортиб боради. Биз биламизки, акциялар оддий ва имтиёзли турларга бўлинади. Оддий акциялар бўйича дивидендлар акционерлик жамияти молия йилида фаолият натижасига боғлиқ бўлади. 2-

бобда кўриб ўтилган дивидендни ҳисобга олиш амалиёти айнан шуни ҳисобга олишга мўлжалланган ва йил тугагандан сўнг акционерлар умумий йиғилиши қарор қабул қилингандан сўнг ҳисобга олинади. Ҳозирги кунда худди шундай имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ҳам худди шундай тўланиб келинмоқда.

Ушбу ҳолат имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлашга тўғри келмайди. Сабаби имтиёзли акция бўйича дивиденд акционерлик жамияти фаолиятига боғлиқ бўлмайди ва молия йили бошланиши билан унда дивиденд тўлаш мажбурияти юзага келади ҳамда акционерлик жамияти уни ўзида ҳисобга олиш лозим. Худди шундай тижорат банки ҳам уни даромад сифатида тан олиши лозим бўлади. Тижорат банклари эса имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни фақат умумий йиғилиш бўлиб ўтгандан сўнг ҳисобга олинади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тижорат банклари ҳисоблаш тамойилини қўллаган ҳолда имтиёзли акция бўйича дивидендни ҳар куни тан олиб бориши керак ва қуйидаги бухгалтерия проводкаси ҳисобга олиш лозим:

Дебет 19939 – «Олинадиган дивидендлар»;

Кредит 45800 – «Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар».

Эълон қилинган дивидендлар олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет банк вакиллик ҳисобварағи ёки эмитент ҳисобварағи;

Кредит 19939 – «Олинадиган дивидендлар».

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар худди шундай тартибда ҳисобга олиниши ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойилига мос равишда амалга оширилади.


Шундай қилиб, ҳар қандай тижорат фаолиятининг асосий мақсади даромад олишдир. Тижорат банкларининг ҳар бир қилган операциялари ва фаолиятлари юқори даромад олишга қаратилган Республикамиздаги замонавий иқтисодий муҳит тижорат банклари фаолиятини жаҳон

амалиётида қабул қилинган умумий тамойилларга мослаштириб боришга шароитлар яратиб бермокда.

3.2. Банк фойдаси ҳисобини такомиллаштириш

Банк фойдасини тақсимлаш меъёрий хужжатлар ҳамда банк таъсис хужжатларига асосан ўтказилади. Бунда банк фойдасидан турли хил захира фондлари, махсус фондлар яратилади, дивидендлар, солиқлар тўланади, шунингдек, банк таъсис хужжатларида кўзда тутилган мақсадлар учун фойдаланади.

Банк томонидан ҳисобот йилида олган фойдасининг тақсимланмай қолган қисми ёки кўрган зарари 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив)» баланс ҳисобварағидан 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (актив–пассив)» ҳисобварағига ўтказилади. Ушбу ҳисобварақда жорий ва ўтган йилларда тақсимланмай қолган фойда (зарар), ҳар хил фондлар учун ажратмалар, эълон қилинган дивидентлар суммаси ва банк фойдаси ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора–тадбирлар суммаси акс эттирилади. Юқорида кўриб ўтилган ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.



3.1–расм. Банк фойдасининг тақсимланиши.³⁰

³⁰ Муаллиф томонидан тузилди

3.1–расмдан кўриниб турибдики ҳозирги кунда тижорат банкларининг фойдаси куйидаги йўналишларда фойдаланилаяпти:

- таъсисчилар ўртасида тақсимланаяпти;
- акциядорларга дивиденд сифатида берилаяпти;
- бюджетга тўловлар амалга оширилаяпти;
- банк ходимлари ўртасида тақсимланаяпти;
- банк капитали миқдори оширилаяпти (капитализация қилинаяпти);
- банкнинг махсус ва умумий захира фондлари яратилаяпти.

Банк фойдасини тақсимлаш эса икки хил йўналиш бўйича амалга оширилган:

- фойданинг тақсимланадиган қисми;
- фойданинг жамғариладиган қисми.

Банк ихтиёрида қолган соф фойданинг тақсимланадиган қисми, аввало фойда ҳисобидан тўланадиган мажбуриятларга сарфланади. Тижорат банклари таъсисчиларга ва акциядорларга ўз фаолиятлари натижасида олган фойдасини дивиденд ёки улуш кўринишида беради. Бунда, агар банк акциядорлик жамияти сифатида фаолият олиб бораётган бўлса дивиденд тўлайди, агар таъсисчилар улуш қўшиш орқали банкни ташкил қилган бўлса улар улуш сифатида ўз фойдасига эга бўлади. Ҳозирги кунда банк амалиётида таъсисчилар олаётган улуш ҳам дивиденд сингари ҳисоб–китоб қилинади.

Банклар акциядорлик жамияти сифатида фаолият олиб бориб устав капиталини шакллантиришда муомалага оддий ва имтиёзли акцияларни чиқаради. Улар бўйича тўланадиган дивидендлар ҳам, бир–биридан фарқ қилади. Яъни, оддий акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар банк фаолиятига боғлиқ бўлиб, акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан тўланади. Агар, банк фаолияти салбий молиявий натижага эга бўлса акциядорлар даромадга эга бўлмайди.

Тижорат банкларида дивиденд тўланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳисобот йили якунлари бўйича банк акциядорларига йиллик

дивидендлар ташқи аудиторлик текшируви томонидан фойда тасдиқлангандан кейин ҳамда капитални оширишга ажратмалар амалга оширилгандан сўнг тўланади. Дивидендлар эҳтимолий зарарларни қоплаш захираси шакллантирилгандан кейин, Марказий банк талабларига мувофиқ тузатишлар амалга оширилгандан сўнггина тўланиши мумкин.

Акциялар бўйича дивидендларнинг тўланиши тўғрисида қарор қабул қилинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)»;

Кредит 29822 – «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар».

Ушбу ўтказма йиллик дивидендлар ҳисобга олинганда амалга оширилади. Агар оралиқ дивидендлар ҳисобланганда 31206 – «Соф фойда (зарар)» ҳисобварағи дебетланади, яъни қуйидагича:

Дебет 31206 – «Соф фойда (зарар)»;

Кредит 29822 – «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар».

Эълон қилинган дивидендлар тўланганда эса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дебет 29822 – «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар»;

Кредит 10101 – «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки акциядор – банк мижози ҳисобварағи.

Имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар банк фаолияти натижасига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли банк хоҳласа–хоҳламаса имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни белгиланган муддатларда тўлаб бериши лозим.

Агар эълон қилинган дивидендларни тўлаш учун банкнинг жорий йил соф фойдаси етарли бўлмаса, банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ёки умумий захира фондидан тўловлар амалга ошириш мумкин. Бунда қуйидаги ўтказма бажарилади:

Дебет 30903 – «Умумий захира фонди»;

Кредит 29822 – «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар».

Юқорида қайд қилиб ўтканимиздек, банк фойдаси банк ўз капиталини кўпайишига замин яратади. Шу сабабли олинган фойда ҳисобига банк устав капитали доимий равишда кўпайтириб борилади. Сабаби фойда банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 12 июлдаги ПҚ–670 сон Қарори банк капиталини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса тижорат банкларига, йил якуни бўйича барча солиқлар ва тўловлар тўланганидан сўнг, банк фойдасининг камида 30 фоизини банк акциядорлик капиталини кўпайтиришга йўналтириш тавсия этилгани жаҳон молиявий инқирози кутилаётган бир давр учун айтиш муддао бўлади.

Соф фойда ҳисобидан капитални кўпайтиришга ажратмалар ажратилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дебет 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив);

Кредит 30903 – «Умумий захира фонди».

Фикримизча, жаҳон иқтисодиётида барқарорлик йўқ экан банк фойдаси ҳисобидан капитални оширишга Марказий банк томонидан қўйилган талабларни йиллик мажбурий талаблар рўйхатига олинса ва бу доимий равишда амалга оширилиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирги кунда банк фойдасини ишлатилишининг яна бир йўналиши бу имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини шакллантиришдир. Тижорат банклари Имтиёзли кредит бериш жамғармасини деҳқон ва фермер хўжаликларига, товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш билан банд бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига шунингдек, юқори технологияли

ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредит ва микрокредитлар бериш учун ташкил этади. Ушбу жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора–тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 21 мартдаги ПФ–2564–сон Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган «Тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида ташкил этилади. Жамғарма маблағлари банк фойдасининг 25 фоизгача миқдорини ажратиш ҳисобига шакллантирилади.

Бунда имтиёзли кредит бериш жамғармасига ажратмалар ҳар чоракда банкнинг бизнес–режасида назарда тутилган солиқлар тўлангандан сўнг ҳар чоракдаги соф фойданинг прогноз суммасидан келиб чиққан ҳолда ажратилади. Ушбу ҳолатда ажратма куйидаги ўтказма билан расмийлаштирилиши керак:

Дебет 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив);

Кредит 30904 – «Кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш захира фонди».

Тадқиқот натижаларига асосан шуни қайд этиб ўтиш керакки, 2000 йилда ишлаб чиқилган юқоридаги Низомда банк томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобига кредит беришдан олинган даромадлар, ушбу Жамғарма ресурсларини кўпайтиришга мақсадли йўналтирилган тақдирда, 5 йил муддатга даромад солиғидан озод қилиниши қайд этилган. Бу 2005 йилга келиб ушбу муддат тугаганлигини солиқ органлари эътироф этган ҳолда мақсадли йўналтирилган маблағлардан ҳам солиқ тўлашни талаб қилишмоқда. Фикримизча, Имтиёзли кредит бериш жамғармаси кўпайтиришга йўналтирилган маблағлар бўйича белгиланган муддат ушбу маблағ жамғарма ҳисобрақамига тушгандан бошлаб кейинги 5 йилга сақланиб қолиши керак.

Имтиёзли кредит бериш жамғармасига ажратилган маблағлар ҳаракати 30904 – «Кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш захира фонди»

ҳисобварағида ҳисобга олинади. Агар ҳисобварақлар режасида ушбу ҳисобвараққа берилган таърифга эътибор берадиган бўлсак, ҳисобварақда банкнинг тақсимланмаган фойдасидан кичик корхоналарни кредитлашга ажратилган маблағлар ҳисоби олиб борилиши керак. Аслида ушбу жамғарма маблағларидан фақат кичик корхоналарни эмас, балки кичик тадбиркорлик субъектлари ҳам кредитланади. Шу сабабли ҳисобварақни «Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш махсус жамғарма фонди» деб, номласа мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, юқорида қайд этиб ўтқанимиздек, имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасига пул маблағлари ҳар чоракда бизнес режада назарда тутилган солиқлар тўлангандан кейин ажратилади. 30904 ҳисобварақ таърифида эса ажратмалар тақсимланмаган фойда ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бунга асосан қуйидаги ўтказма бажарилиши лозим:

Дебет 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» (актив–пассив);

Кредит 30904 – «Кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш захира фонди».

Агар юқоридаги келтирилган ўтказма билан таққослаб кўрадиган бўлсак, улар ўзаро мос келмайди. Шу сабабли Имтиёзли кредит бериш жамғармасига ажратмалар жорий йил соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилганлиги учун ҳисобварақлар режасида 30904 ҳисобварақга келтирилган таърифда банкнинг жорий йил соф фойдаси ҳисобидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларни имтиёзли кредитлашга ажратилган маблағлар ҳисобга олинади деб берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Банк акциядорлик жамияти сифатида фаолият олиб борса, унда фойда тақсимотининг асосий хусусиятларидан яна бири шундаки, улар бошқа мулкчилик шаклидан фарқли ўлароқ захира капитали ташкил қилишлари лозимлиги Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида белгилаб

кўйилган. Қонуннинг 34–моддасига мувофиқ «...акциядорлик жамиятларида устав капитали ҳажмининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида захира капитали ташкил қилинади. У ҳар йилги соф фойдадан энг камида 5 фоизини белгиланган миқдорга етмагунча ажратмалар ҳисоблаш кўринишида шаклланади ва ҳўжалик фаолиятида вужудга келган зарарларни қоплаш ҳамда қимматли қоғозлар бўйича дивиденд тўлашга сарфланади». Бу ажратмалар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» (актив–пассив);

Кредит 30903 – «Умумий захира фонди».

Банкнинг захира фонди кўрилган зарарларни қоплаш, банк облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади. Шунингдек, акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича банкларда фойда ҳисобидан бошқа фондлар ташкил қилиш мумкин. Ташкил қилинган фондларда ҳар бир мақсад учун алоҳида шахсий ҳисобварақ очилади ва унда маълум мақсадлар учун маблағлар кирими ва чиқими акс эттирилиб борилади.

Кўриб ўтилган умумий захира фондига ажратмаларга қонунчиликда белгиланган меъёрлар фақат акциядорлик жамиятлари учун эмас балки бошқа мулкчилик шаклидаги банкларга ҳам жорий этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Банк фойдаси ҳисобига ташкил этиладиган фондлардан яна бири девальвация учун захира фондидир. Ушбу фонд маблағлари 30906 – «Девальвация учун захира» ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Ҳисобварақда сезиларли даражада миллий валютанинг қадрсизланишида (девальвация) банкнинг ўз мажбуриятларини қоплаш учун тақсимланмаган фойда ҳисобидан ажратилган маблағларининг ҳисоби олиб борилади. 30906 ҳисобварағига маблағлар ўтказилганда қуйидаги ўтказма бажарилади:

Дебет 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (актив–пассив)»;

Кредит 30906 – «Девальвация учун захира».

Тижорат банкларида салбий якуний молиявий натижа яъни зарарни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасининг «Капитал» бўлимида 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)», 31206 – «Соф фойда (зарар)» баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда молиявий натижанинг ижобий ҳолати яъни, банк фойдаси банк капиталининг кўпайиши асосий манбаси, асосий фондларининг янгилаши ва кўпайиши асоси, банкнинг тўловга лаёқатлиги ва ликвидлилигини таъминлаши, молиявий барқарорлиги, дивиденд тўлаш имконияти, банк хизматлари сифатини ошириш ва ривожлантиришга замин яратади. Молиявий натижанинг салбий бўлган ҳолати, яъни зарар банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ва банк олдида қўйган вазифаларни бажара олмайди. Банк ҳар доим зарарнинг олдини олиш йўллари, юзага келиш сабабларини аниқлаши ва бартараф этиш йўллари излаб топиши керак, зарар юзага келганда эса, уни қоплаш манбаларини ўз вақтида топиши лозим.

III боб бўйича хулоса

Тижорат банкларининг даромадлари ҳисобини такомиллаштиришда юқори даромад келтирувчи факторинг операцияларидан дисконт кўринишдаги даромадни ҳисобга олишни такомиллаштириш лозим. Факторинг бўйича дисконтни икки қисмга, яъни берилган қисқа муддатли кредит учун тўлов ва хизмат кўрсатганлиги учун ҳақга бўлиш керак. Сабаби банк регресс ҳуқуқсиз тўлов талабномаларини сотиб олганда савдо ёки хизмат кўрсатувчи корхонани кредитлайди ва унга хизмат кўрсатади. Факторинг бўйича дисконтнинг 10-15 фоизини хизмат кўрсатганлиги учун ҳақ қолган 85-90 фоизини қисқа муддали кредит учун тўлов сифатида ҳисобга олиш керак. Қисқа муддатли кредит бўйича тўлов фоизли даромад

сифатида тан олинishi ва ҳисобга олинishi лозим. Бунинг учун тижорат банклари ҳисобварақлар режасига фоизли даромадлар таркибига янги 41300 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича фоизли даромадлар- Факторинг ҳисобварағини киритиш лозим.

Банк ҳар бир қарздор мижоз учун очилган 16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварақлардаги ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ўз вақтида тўланмаганларини ҳисобга олиш учун 16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар» ҳисобварағини киритса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ҳисобварағда олиш учун ҳисобланган, лекин шартномада белгиланган муддатда тўланмаган (активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича балансдан ташқари ҳисобварақларига ўтказилгунга қадар ҳисобланган муддати ўтган) фоизсиз даромадлар ҳисоби олиб борилиши, банк учун қанча ҳисобланган фоизсиз даромад ўз вақтида ундирилмаганлигини билиш имконини беради.

Тижорат банклари ҳисоблаш ва ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойилларини қўллаган ҳолда имтиёзли акция бўйича дивидендни молия йили бошлангандан сўнг ҳар куни тан олиб бориши лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Республикамызда банк тизимининг узлуксиз ривожланиши иқтисодий эркинлаштириш шароитида объектив зарурият бўлиб, бу ўз навбатида тижорат банклари фаолиятини узлуксиз назорат қилишни ва уларни самарали ташкил этиш учун банк томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг даромадлилигини ошириш, ушбу операцияларни амалга оширишда қилинаётган харажатларни камайтириш ва шу асосда банк фойдасини кўпайтириш йўллари топишни талаб этади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

1. Банк даромадлари банк фаолиятининг ўзига хослигидан ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бир қанча турлари мавжуд. Биз уларни фоизли ва фоизли даромадларга бўлган ҳолда тадқиқ қилдик.

Фоизли даромадлар тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб, ўз ичига кредитлардан олинган фоизларни, қатъий белгиланган ставкалардаги фоизларни ва қимматли қоғозларнинг бозор баҳосини оширишдан олинадиган даромадлар киради.

Фоизли даромадларнинг даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири соф фоизли даромад кўрсаткичи ҳисобланади. Жаҳон тиклаш ва тараққиёт банки экспертларининг фикрига кўра, соф фоизли даромадларнинг тижорат банкларининг ялпи даромадидаги ҳажми камида 70 фоизни ташкил қилиши зарур.

2. Банкнинг оладиган даромади, унинг харажатларини қоплаши ва фойда яратиши керак. Банк даромадининг бир қисми потенциал рискларни қоплаш учун ташкил этиладиган захирага йўналтирилади. Банк ўз харажатларини қоплаши учун даромад ҳажмининг етарлилигини таъминлаши эмас, балки тушумининг бир хилдалигини таъминлаши керак. Бошқача айтганда, даромад оқими банкнинг харажат қиладиган даврига мос ҳолда вақт жиҳатдан тақсимланган бўлиши керак. Бундай режалаштиришда даромад манбаларининг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

3. Банк тизимимизда фаолият олиб бораётган банкларнинг даромадларининг асосий қисмини фоизли даромад ташкил қилади. Фоизли даромадларнинг жами даромаддаги улуши 2008 йилда 55,9 фоизни, 2015 йилга келиб 57,3 фоизни ташкил қилган. Ушбу таҳлилдан фоизли даромаднинг улуши 2009 йилда камайиб, 2010 йилдан бошлаб кўпайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Фоизсиз даромад улуши эса, ўз навбатида, шунга мос равишда ўзгариб борган. Банкларнинг асосий операциялари фоиз даромади билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларни амалга оширишни кўпайтирса ва унинг даромад таркибидаги улушини 70–75 фоизга етказса, мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Банк даромадлари ва харажатлари ҳисобида уларни ҳисобга олишда тан олиш мезонларининг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисобининг изчиллик, ишонччилик, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалилик тамойиллари билан бирга «эҳтиёткорлик», «ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги», «ахамиятчилик» тамойилларидан фойдаланса мақсадга мувофиқ.

Тижорат банклари фаолияти даромадлилигини таъминлаш, даромадлар ва харажатлар ҳисобини такомиллаштириш борасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар шакллантирилди:

1. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур. Бунинг учун, аввало, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицияларининг ҳажмини кескин ошириш лозим. Тижорат банкларида қимматли қоғозларнинг эмитентларининг молиявий ва мулкӣ ҳолатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинадиган даромадларни оқилона даражасини таъминлаш имконини беради. Банкларнинг қимматли қоғозлар портфелини сезиларли қисмини, айтишлик, камида 20-25 фоизини ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ҳисобидан шакллантириш лозим. Бу эса, қимматли қоғозлар билан боғлиқ банк операцияларининг риск даражасини камайтириш имконини

беради. Фоизли даромадларнинг ҳажмини оширишнинг иккинчи йўли банкларнинг лизинг ва факторинг операцияларини ривожлантириш ҳисобланади.

2. Тижорат банкларини кредитларидан олинадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш мақсадида: кредитларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини, банкларнинг пасивлари таркибида марказлашган ресурслар ва бошқа банклардан олинган кредитларнинг салмоғини кескин камайитириш ва уларнинг ўрнига ва мудатли ва жамғарма депозитларининг салмоғини ошириш; кредитлашнинг турли шаклидан кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

3. Тижорат банкларининг даромадлари ҳисобини такомиллаштиришда юқори даромад келтирувчи факторинг операцияларидан дисконт кўринишдаги даромадни ҳисобга олишни такомиллаштириш лозим. Факторинг бўйича дисконтни икки қисмга, яъни берилган қисқа муддатли кредит учун тўлов ва хизмат кўрсатганлиги учун ҳақга бўлиш керак. Сабаби банк регресс ҳуқуқисиз тўлов талабномаларини сотиб олганда савдо ёки хизмат кўрсатувчи корхонани кредитлайди ва унга хизмат кўрсатади. Факторинг бўйича дисконтнинг 10-15 фоизини хизмат кўрсатганлиги учун ҳақ қолган 85-90 фоизини қисқа муддали кредит учун тўлов сифатида ҳисобга олиш керак. Қисқа муддатли кредит бўйича тўлов фоизли даромад сифатида тан олинishi ва ҳисобга олинishi лозим. Бунинг учун тижорат банклари ҳисобварақлар режасига фоизли даромадлар таркибига янги 41300 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича фоизли даромадлар- Факторинг ҳисобварағини киритиш лозим.

4. Банк ҳар бир қарздор мижоз учун очилган 16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварақлардаги ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ўз вақтида тўланмаганларини ҳисобга олиш учун 16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар» ҳисобварағини киритса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ҳисобварағда олиш учун ҳисобланган, лекин шартномада белгиланган муддатда тўланмаган (активлар

бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича балансдан ташқари ҳисобварақларига ўтказилгунга қадар ҳисобланган муддати ўтган) фоизсиз даромадлар ҳисоби олиб борилиши, банк учун қанча ҳисобланган фоизсиз даромад ўз вақтида ундирилмаганлигини билиш имконини беради.

5. Тижорат банклари ҳисоблаш ва ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойилларини қўллаган ҳолда имтиёзли акция бўйича дивидендни молия йили бошлангандан сўнг ҳар куни тан олиб бориши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1995 йил 21 декабр.

1.2. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 25 апрел.

1.3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2016 йил

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора–тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 апрелдаги ПФ–2564–сонли Фармони.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора–тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ–56 сонли Қарори.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166–сонли Қарори

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1317–сонли Қарори

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига еришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори, 2010 йил 26 ноябр.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2344- сонли Қарори

1.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 24 мартдаги 104–сонли Қарори.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306–сонли Низом, 2004 йил 30 январ.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773–17–сон 2004 йил 13 август.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834–сон йўриқнома 2008 йил 11 июл.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1648-сонли низом 2006 йил 27 декабр.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1648-сонли низом 2006 йил 27 декабр.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг асосий яқунлари ва 2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2016 йил январ

1.17. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.

1.18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: Ўзбекистон, 2009 й. – 56 б.

1.19. Каримов И.А. «2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси». Ўзбекистон овози газетаси. – Т.: 2013 йил 18 январ

II Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2002. – 21 б.

2.2. Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188б.

2.3. Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдани шакллантириш муаммолари. и.ф.н. дисс. –Т.: 1998. –б. 24.

2.4. Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001. – 22 б.

2.5. Радковская П.П. «Методологические подходы к управлению прибылью коммерческого банка». Журнал «Финансы и кредит». 1 январь 2006 (205), 22 с.

2.6. Умаров З.А. “Тижорат банкларининг молиявий натижалари моҳияти” Иқтисодиёт ва таълим журнали № 1 2006 йил

2.7. Умаров З.А. Тижорат банкларида молиявий натижалари ҳисоби ва таҳлилининг назарий-услубий масалалари” и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2010 – 21 б.

III. Махсус адабиётлар

- 3.1. Benjamin Young «Bank Cost Control» Business & Economics, UK. 2008, –306 p.
- 3.2. Mabel Lage E.E. «Accounting–Bank Reconciliation» Henderson, USA. 2008, –241 p.
- 3.3. Steven M. Bragg «Accounting Best Practices» John Wiley & Sons, New Jersey, USA. 2010, –542 p.
- 3.4. Zantov M. Kredit Policy. RBTC. Tashkent. 1998. –p.18.
- 3.5. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия хисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.
- 3.6. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 196 б.
- 3.7. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. –Т.:ТМИ, 2003.–305 б.
- 3.8. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. – 304 б.
- 3.9. Анализ финансовой отчетности: учебное пособие / Под ред. О.В. Ефимовой, М.В. Мельник. – М.: Омега–Л, 2004. – 408 с.
- 3.10. Балабанова И.Т. «Основы финансового менеджмента». Учебное пособие -3-е издание, доп. переработ. М.: Финансы и статистика, 2000 г.
- 3.11. Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб. пос. - М.: Ф и С, 2004. - 153 с.
- 3.12. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, –М.: Высшее образование, 2009. –422 с.
- 3.13. Банковское дело: Учебник / под ред. В.И. Колесникова, П.П. Кроливецкой. 4–е издание – М.: Финансы и статистика, 1998. –464 с.
- 3.14. Банковское дело: Учебник / под ред. д-ра экон. наук, проф. Коробовой. Г.Г. - М.: Экономист, 2005. - 751 с.
- 3.15. Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.

3.16. Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов. –изд. 2–е перераб. и доп. –М.: Университетская книга; Логос, 2007. –368 с.

3.17. Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: –М.: Магистр, 2007. –350 с.

3.18. Дж. Синки, мл. Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4–го переработанного изд./ под ред.Р.Я.Левиты, Б.С.Пинскера. М.: Catallaxy, 1994. – 820 с.

3.19. Диана Мак Нотон, Дональд Дж. Карлсон, Клайтон Таусенд Дитд и др. Организация работы в банках: в 2–х томах. Том 2. Интерприрование финансовой отчетности. Пер. с англ. –М.: Финансы и статистика, 2002. –240 с.

3.20. Жарковская Е.П. Банковское дело.–4–е изд., испр. и доп. – М.: Омега–Л, 2005.–452 с.

3.21. Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма.Тошкент, Молия. – 2010, 272б.

3.22. Камышанов П.И., Камышанов А.П. Бухгалтерская финансовая отчётность: составление и анализ. – 5-е издание. – М.: Омега-Л, 2006. – 96 с.

3.23. Козлова Е.П., Галагина Е.Н. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика, 2000. – 640 с.

3.24. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими –Т.: Ўзбекистон, 2001.–224 б.

3.25. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. - Т.: Молия – Иқтисод 2010г. Наврузова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т., MOLIYA – IQTISOD 2010 й.

3.26. Норқобилов С, Ортиков У, “Банк аудити”. Т.: 2004- 108 б.

3.27. Нотон Д.М., Карлсон Д.Д., Дитд Д.Д. и др. Организация работы в банках: в 2–х томах. Том 2. Интерпретирование финансовой отчетности. Пер. с англ. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 240 с.

- 3.28. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра–М, 2004. – 472 с.
- 3.29. Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка. Учебное пособие – М.: ИНФРА–М, 2001. – 320 с.
- 3.30. Полищук А.Ш. Банковский учёт и отчетность: Учебно–практическое пособие. –М.: ИМПЭ, 1998. –205 с.
- 3.31. Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4–го издания / под ред. Р.Я. Левиты, Б.С. Пинскера. М.: 1994, Catallaxy.
- 3.32. Смирнов А.В. Управление ресурсами и финансово–аналитическая работа в коммерческом банке. –М: БДЦ–пресс, 2002. –176 с.
- 3.33. Соколов Я.В. «Основы теории бухгалтерского учёта» – М.: Финансы и статистика, 2000. – 496 с.
- 3.34. Стародубцева. Е. Б. Банковские операции: Учебное пособие. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 128 с.
- 3.35. Усатова Л.В., Сероситан М.С., Арская Е.В. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках: Учебное пособие. 3–е изд. перераб. и доп. –М.: Издательско–торговая корпорация Дашков и К°, 2007. –404 с.
- 3.36. Финансовый анализ в коммерческом банке / А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 256 с.
- 3.37. Фраст Стивен М. Настольная книга банковского аналитика. – Дн.: Баланс Бизнес Букс, 2006. – 672 с.
- 3.38. Черкасов В.Е. Банковские операции: финансовый анализ. –М.: Издательство Консалтбанкир, 2001, – 288 с.
- 3.39. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси статистика кўмитаси)
- 3.40. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги)
- 3.41. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
- 3.42. www.hamkorbank.uz (ЧЕКИ АТБ «Hamkorbank»)